

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 26 май, шанба Баҳоси соғувда эркин нархда № 41 (7340)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, "Интернет"нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, "Интернет"га кириб боришини кенгайтириш, юқори малакали дастурчи-мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

2. Махсус ишчи гуруҳ: республикада компьютер ва ахборот технологияларини ташкил этиш ва ривожлантириш, дастурий таъминлаш, компьютер асбоб-ускуналари ва ахборот тармоқлари соҳасида кадрлар тайёрлаш, "Интернет"нинг халқаро ахборот тармоқларига кириб бориши ҳолатини ва унинг амалий қўлланилиши даражасини чуқур ва батафсил ўрганиб чиқсин; мазкур таҳлил асосида уч ой муддатда 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига Хукуматнинг тегишли қарори лойиҳасини киритсин.

Дастур лойиҳасини шакллантиришда: иқтисодиёт тармоқларида, умумтаълим мактаблари, коллежлар ва лицейлар, олий ўқув юртининг ўқув жараёнида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, тегишли таълим стандартларини ишлаб чиқиш;

республиканинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида замонавий компьютер ва ахборот технологиялари бўйича юқори малакали дастурчилар ва мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш даражасини ошириш;

дастурий таъминлаш, компьютер ва тармоқ асбоб-ускуналари, рақамли телекоммуникациялар соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ташкил этиш;

республика ўқув ва тадқиқот муассасалари, корхоналари ва ташкилот-

ларининг халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан, "Интернет"га кенг кириб боришини таъминлаш;

компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида асбоб-ускуналар ва техник воситалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Махсус ишчи гуруҳ Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда Хукумат қарори лойиҳасини тайёрлашда ахборот тизимлари ва тармоқларини ташкил этиш, ривожлантириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигига, истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш, тармоқ стандартлари ва нормативларини белгилашга доир ишларни мувофиқлаштирувчи Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказини ташкил қилиш юзасидан таклиф киритсин.

4. Республика корхоналари ва ташкилотларидан, халқаро ташкилотлардан ҳомийларни, шунингдек, хорижий инвесторларни кенг жалб этган ҳолда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 23 май.

«Farzandlari sog'lom yurt qudratli bo'lur»



ИСТИҚЛОЛ ИҚБОЛЛАРИ

Кеча байрамона безатилган "Пахтакор" ўйингоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланиб ўтказилган "Олимпиада умидлари—2001" умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган спорт ўйинларининг республика миқёсидаги якуний IV босқичининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни томоша қилишга келган мухлислар билан тўлган ўйингоҳда ўзгача руҳ ҳукмрон эди. Тантаналар ўйингоҳда иштирокчиларнинг «Ватан размлари» — ҳаракатли машқларини бажариши би-

лан бошланди. Шундан сўнг тантаналарнинг асосий қаҳрамонлари — "Олимпиада умидлари—2001" спорт ўйинлари қатнашчилари, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Фарғона ва Хоразм вилоятлари спортчи ўқувчиларининг биринкетин майдонга кириб келишлари томошабинларнинг зўр олқишига сазовор бўлди.

(Давоми 2-бетда)

БИТИРҮВЧИЛАРГА



**Бул Ватаннинг қошу кўзи,
Мижгонлари сиз бўлгaysиз.
Чехралари гулдай, кундай
Хандонлари сиз бўлгaysиз.**

**Бу тонг оппоқ дафтарлардай
Шаҳрим тўлди каптарларга.**

**Тизсам буни сатрларга
Осмонлари сиз бўлгaysиз.**

**Бир мамлакат тиниқ кулгу,
Бир мамлакат севинч, орзу,
Бу ҳаётнинг гўзал аҳди
Паймонлари сиз бўлгaysиз.**

**Ёлғиз қолиб кетган чирой —
Мактабларингиз узра ой
Бу оқшом йиллар ҳойнаҳой:
Армонлари сиз бўлгaysиз.**

**Китоблари кўксидаги...
Меҳр балққан сўзидаги,
Устозларнинг кўзидаги
Маржонлари сиз бўлгaysиз.**

**Кўксингизда баланд ору
Номус бўлса — бўлгай бари,
Бул Ватаннинг кўрар даври
Давронлари сиз бўлгaysиз.**

**Йиллар ўтар турли-турли,
Умр йўли — қирли, ўрли.
Ниятларнинг нурли-нурли
Нарвонлари сиз бўлгaysиз.**

**Кўрки бордир ҳар ниҳолнинг,
Ҳар боғдан бир ибрат олинг,
Илм олинг, ҳикмат олинг —
Кўрғонлари сиз бўлгaysиз.**

Сирождидин САЙИД

Меҳмонхона
Устозлар меҳрини
эслаб қолганман
5-бет

**«Бир мактаб
ҳангомаси»**
6-бет

**Ҳақиқатни кўра
билиш керак**
7-бет

**Инглиз тили
сабоқлари**
12-бет

**Полимерлар-
нинг кашф
қилиниши**
13-бет



(Давоми.
Боши 1-бетда)

Давлатимиз мадҳияси янграганда эса барча йигилганлар ўнг қўлларини кўксига қўйиб, она-Ватани, халқи олдида доимо бурчли эканлигини, унинг келажаги учун масъулликларини қалбларига сингган куй орқали яна бир бор ҳис этишди.

Ғолиб жамоаларни тақдирлаш маросими янада шуқули кечди. Совриндорларга таъсис этилган махсус совғалар, олтин ва кумуш медаллар топширилган экан, ёшларимиз вужудида пайдо бўлган куч, кўзларида порлаган келажак орзу-умидлари учқунни барчанинг назарини ўзига тортди. Ғолибларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Проккура-



тураси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон божхона қўмитаси, "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик темир йўл компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, "Фидокорлар" миллий-демократик партияси, "Наврўз" халқ-қаро хайрия жамғармаси, "Тасвирий ойина" уюшмаси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси, "Ёшлар" телеканали, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда ОНИКИС Миконд заводи қутлаб, мукофотларни топширишлари ёшларнинг руҳига янада руҳ бағишлади.

Қутлов маросимлари якунлангач, "Олимпиада умидлари—2001"нинг илк иштирокчилари майдонни янграқ куй садолари остида тарқ этишаркан, келажакда уларнинг ўрнини эгаллаб,

ИСТИҚЛОЛ ИҚБОЛЛАРИ

бундай нуфузли мусобақаларнинг келгуси иштирокчилари бўлиш иштиёқида ёнаётган ўғил-қизларимиз олишди. Уларнинг даврада бажарган спорт машғулоти эса барчанинг қалбида энди аланга олаётган умид учқунларини алангалатиб, Ўзбекистон спортининг раванқини дилдан ҳис қилишга ундади. Спортнинг қаратэ ва бобомиз Амир Темур лашкарларининг жанг усули бўлган "Турон" якка кураши тўғрақлари қатнашчиларининг чиқишлари эса барчани лол қолдирган бўлса, бадиий гимнастика, акробатика бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари кўрсатган машқлар жуда қизиқарли бўлди.

Ўзбекистоннинг бир қанча таниқли эстрада юлдузларининг чиқишлари эса тантанали ёпилиш маросимининг иккинчи қисмини давом эттириб, ёшларнинг қувончига қувонч қўшди.

Бир сўз билан айтганда, ўн кун давомида Тошкент шаҳрида дўстлар орттириб, мириқиб ҳордиқ чиқарган ёшлар ҳаётида ушбу кунлар унутилмас из қолдирди десак, янглишмаймиз. Зеро, бу фикрларни шу кунни биз суҳбатлашган ҳар бир ўқувчи таъкидлади:

Даврон ШАМСИЕВ — Наманган вилояти 31-мактабнинг 11-синф ўқувчиси, "Олимпиада умидлари—2001" спорт ўйинларининг олтин медали соҳиби, футболчи:

— Бугунги ўтаётган шодиёналар менда жуда катта таассурот қолдирапти. Энг эътиборлиси, мен илк маротаба ўтказилган "Олимпиада умидлари—2001" спорт мусобақаларининг биринчи чемпионлариданман. Бундан жуда фахрланаман. Келажакда эса ушбу мусобақаларда қатнашиш бахтига муяссар бўладиган укаларимга ҳам омад тилайман.

Дилшод НИЗОМБОВ — Наманган вилояти вакили, футбол бўйича ўтказилган ушбу мусобақалар чемпиони:

— Ҳис-туйғуларимни таърифлашга сўз ожиз. Чунки бугун мен Ўзбекистон халқини дунёга танитган қанча-қанча маҳоратли футболчиларимиз тўп сурган "Пахтакор" майдонида олтин медал соҳиби бўлдим. Қолаверса, ўтаётган тантаналар ёпилиш маросими ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Артём ЛЕБЕДОВ, Элдор СЕГБАТУЛИН — Тошкент шаҳри вакиллари, "Олтин медал" соҳиблари:

— Мусобақаларда иштирок



этиб, кўплаб дўстлар орттирдик. Албатта, ғалабаларга эришишимиз ҳам осонликча бўлмади. Чунки Ўзбекистон ёшлари ўртасида истеъдодли спортчилар кўп. Ўйлаймизки, улар орасидан тез орада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилувчи спорт усталари етишиб чиқади. Бугунги мусобақаларнинг аҳамияти эса бу йўлдаги ташланган дастлабки қадамдир.

Шаҳноза ТОЖИБОЕВА — Андижон вилояти вакили, ушбу мусобақалар иштирокчиси:

— Ҳаётимнинг энг унутилмас давлари бўлган мазкур мусобақаларни ҳеч қачон ёдимдан чиқаролмайман. Гарчи бугун унинг ёпилиши маросими бўлаётган бўлса-да, ўйлайманки, ҳали тантаналар акс-садоси кўп давом этади. Мусобақа ташкилотчиларига, ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Бердиёр ЮСУПОВ — Қашқадарё вилояти жамоаси мураббийси:

— Ёшларимизнинг кўзларидаги қувонч кўриб гўёки ёшариб кетдим. Чунки болаларнинг қувончи кулгуси янграётган юрт Оллоҳнинг назари тушган юртдир. Истардимки, ана шундай мусобақалар кўп бўлиб, юртимиздан болаларнинг шодон кулгуси ҳеч қачон аримаса.

"ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ—2001"НИНГ ИЛК КУРТАКЛАРИ

Мана, "Олимпиада умидлари—2001" спорт ўйинлари ҳам ўз ниҳоясига етди. "Фарзандлари соғлом юрт, қудратли бўлур" шиори билан тўрт босқичда ўтказилиши мўлжалланган мусобақалар айтиш мумкинки, юртимизнинг умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган барча ўқувчи-ёшларни ўз даврасига чорлади. 2000 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида илк босқичи бўлиб ўтган баҳсларда мактабнинг энг сара спортчилари танлаб олингандан сўнг туман (шаҳар) миқёсида жорий йилнинг февраль ойида ўтган иккинчи босқич баҳслари улар орасидан энг кучлиларини танлади. Учинчи босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида март ойида байрамона тусда спортнинг энг оммавий барча етти тури бўйи-

ча қизиқарли тарзда бошланган беллашувлар эса ўқувчиларимизнинг маҳоратларини оширди ҳамда ғолибликка бўлган интилиш, матонат ва бардошларини яна бир бор синовдан ўтказди. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, спортнинг баскетбол, волейбол, қўл тўпи, стол тенниси, енгил атлетика, шахмат турлари бўйича ўсмир-ёшлар ва қиз болалар ўртасида, футбол мусобақаларида эса ўғил болалар иштирокида ўтган баҳслар қизиқарли ва мурасасиз ўтганлиги билан ўзгача мазмун касб этди. Қолаверса, кўплаб спорт юлдузларини кашф этганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Боғ яратган боғбон учун баҳорнинг илк кунларида ўз меҳнати самараси бўлган кўчатларнинг куртак ёзиб, яшиллик либосига бурканишини кўришнинг ўзи бир бахт. Зеро, илк ўтказилган кўчат биринчи бор куртак ёздими, демак, у албатта, келажакда униб-ўсиши, мева тугиб, юрт фаровонлигини оширишда омил бўлиши тайин.

Албатта, "Фарзандлари соғлом юрт, қудратли бўлур" шиори билан бошланган мазкур мусобақалар ёшларимиз орасида истеъдодли спортчилар кўплигини намоён этди. Мана, сўнгги босқич ҳам ўз якунига етди. Лекин мусобақаларнинг акс-садоси юртимиз бўйлаб ҳали кезишда тўхтагани йўқ. У кашф этган юлдузлар эса кўкда порлаган ёрқин юлдуздек ёғду сочмоқда. Биз эса митти юлдузларнинг сочаётган ёрқин нурларидан тўлқинланиб, улар билан суҳбат қуришга интилдик.

БИР ОИЛАДАН УЧ ЮЛДУЗ

Дастлаб ушбу маълумот кулоғимизга чалинганда, тўғриси, ишонмадик. Сўнгра эса улар билан суҳбатлашганимизда бугунги мусобақаларнинг аҳамияти нақадар улкан эканлигини ич-ичимиздан ҳис қилдик.

— Мен Сурхондарё вилоятининг чекка Шўрчи туманидаги 17-мактабида ўқийман, — дейди биз билан суҳбатда Зафар Қоржовов. — Ушбу мусобақаларнинг бошланишини бизнинг оиламиз жуда интиқлик билан кутган эди. Чунки оиламиз спортчилар оиласи десам, муболаға бўлмайди.

Ҳа, Зафар ҳақ гапни айтди.

Зеро, ушбу ўн кун давом этган "Олимпиада умидлари" спорт мусобақаларининг шахмат тури бўйича у билан бир жамоада иштирок этган опаси, 11-синф ўқувчиси Меҳринисо ва синглиси, 7-синф ўқувчиси Бахтинисоларнинг баҳсларда қатнашиши фикримиз далилидир.

СЎНГИ ТУРЛАР НАТИЖАЛАРИ


Қизгин ва мурасасиз, тенг курашлар остида якунланган баҳсларда республикамизнинг барча 12 вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган ўқувчи-ёшлар спортнинг оммавий 7 тури бўйича ўтказилган мусобақаларда иштирок этишиб, қуйидаги натижаларни кўрсатишди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликнинг Марказий ҳарбий спорт клуби залида ўн кун давом этган мусобақа ниҳоясига етиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Аввал хабар берганимиздек, қизлар беллашувида 7 тадан икки гуруҳда энг яхши натижаларга эришган жамоалар ярим финалда мурасасиз беллашувларда I-IV, V-VIII, IX-XII ўринлар учун курашишди.

I-IV ўрин учун Андижон ва Бухоро жамоалари учрашувида бухоролик ўқувчилар 50:29 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга чиқишди. Тошкент шаҳри — Наманган учрашуви 102-21 ҳисобида якунланди.

23 май кунини 3-ўрин учун бўлган финал беллашувида На-



манган — Андижон командалари учрашувида 45:34 натижага қайд этилди. Шундан сўнг якуний ўйин бўлди. Тошкент шаҳри — Бухоро учрашувини спорт ишқибозлари марок билан томоша қилишди. Пойтахт спортчилари аниқ ва чиройли ўйин намойиш қилиб, 74:42 ҳисобида ғалабага эришишди ва республика чемпионлари бўлишди.

Андижон, Сирдарё, Қорақалпоғистон жамоалари эса 4-6 ўринларни эгаллашди. Мусобақа ғолиблари ва совриндорларга ҳамда уларнинг мураббийларига диплом, Фахрий ёрлик ва медаллар топширилди.

(Давоми 3-бетда)



ИСТИҚЛОЛ ИҚБОЛЛАРИ



(Давоми.
Боши 1-бетда)

СПОРТ МАЛИКАСИ — ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Спорт маликаси — енгил атлетика мусобақаси очилиш куни 4x100 метрга эстафета беллашувлари ўтказилган эди.

22 май куни турли масофаларга югуриш, қизлар ва ўсмирлар ўртасида баландлик сакраш бўйича баҳслар қизгин тус олди.

400 метрга югуришда Наманган шаҳридаги 48-мактаб ўқувчиси Оксана Сухачева 56,9 секунд натижа билан мусобақа голиби бўлди. 400 метрга югуришда пойтахтимиздаги 44-мактаб ўқувчиси Данил Попов 50,9 секунд натижага эришди ва ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олди.

100 метрга югуришда Андижондаги 1-гимназия ўқувчиси Вадим Артёмов (11,8 секунд) ва қизлар ўртасида шу масофага югуришда Самарқанддаги 37-мактаб ўқувчиси Гаяне Бегларян (12,2 секунд) биринчи ўрин соҳиби бўлишди.

Ушбу спорт турининг баландлик сакраш баҳслари-

си чемпиони бўлди. 191,5 очко жамғарган Жиззах шаҳридаги 1-ўрта мактаб жамоаси иккинчи, 187 очко тўплаган Сирдарё шаҳридаги 1-ўрта мактаб жамоаси эса учинчи ўрин соҳиби бўлди.

МИЛЛИОНЛАР ҲИМОНИ

Футбол бўйича тўртта гуруҳда ўзаро баҳс натижаларига кўра биринчи гуруҳдан Наманган, иккинчи гуруҳдан Бухоро, учинчи гуруҳдан Тошкент шаҳри, тўртинчи гуруҳдан Тошкент вилояти жамоалари энг яхши кўрсаткичлар билан I-IV ўринлар учун кураш олиб бориш ҳуқуқларини қўлга киритишди.

Чемпионлик учун курашган жамоалар ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, наманганлик спортчиларнинг ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам фаол ҳаракат қилганликларини қайд этмоғимиз лозим. Ўз гуруҳида ҳам, биринчилик учун беллашувларда ҳам улар ҳар жиҳатдан устунликларини кўрсатиб, бирорта очко йўқотишмади. Айниқса, уларнинг ўйинни бой берай деб турган вазиятда ҳам галабага бўлган ирода кучини кўрсата олишлари галабаларга муҳим омил бўлди. Бунга Тошкент



Тошкент вилояти (Қибрай туманидаги 6-мактаб) ва Бухоро вилояти (Бухоро шаҳридаги 23-мактаб) футболчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

“Чилонзор” ўйингоҳида футбол мусобақасининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон “Ёшлик” КСЖ Марказий Кенгаши раиси М.Ҳайдаров “Олимпиада умидлари—2001” мусобақаси қатнашчиларини, беллашув голиблари ва совриндорларни қизгин қутлаб, келгусидаги спорт баҳсларида муваффақиятлар тилади. Мусобақа

соҳибларига тегишли диплом ва кумуш ва бронза медаллари, энг яхши ҳужумчи, энг яхши тўпурар, энг яхши ҳимоячи, энг яхши ярим ҳимоячи ва энг яхши дарвозабонга ҳам фахрий ёрликлар топширилди.

Ушбу спорт турлари қаторида ўтказилаётган бошқа турларида ҳам барчани бирдек ҳаяжонга солган мусобақаларнинг якуний учрашувлари ниҳоясига етди. Унга кўра, барча қатнашган жамоалар ўтказилган спортнинг 7 тури бўйича қуйидаги натижаларни кўрсатишди:

“ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ—2001” СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА ЖАМОАЛАР СПОРТНИНГ 7 ТУРИ БҲИЧА ҚУЙИДАГИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШДИЛАР

№	Жамоалар номлари	Спорт турлари:									
		Баскетбол		Волейбол		Қўл тўпи		Стол тенниси	Шахмат	Енгил атлетика	Футбол
		ўғил	қиз	ўғил	қиз	ўғил	қиз	умумий ҳисобда	умумий ҳисобда	умумий ҳисобда	ўғил
1	Тошкент шаҳри	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4
2	Наманган	3	3	4	3	4	14	2	5	4	1
3	Андижон	2	4	2	7	2	13	8	8	6	5
4	Сирдарё	7	6	3	13	8	4	6	13	3	8
5	Бухоро	4	2	11	9	11	11	7	6	9	3
6	Фарғона	5	10	12	2	5	7	3	12	7	13
7	Самарқанд	8	12	7	8	7	6	5	4	5	14
8	Сурхондарё	13	8	5	10	6	2	14	2	10,5	10
9	Навоий	6	9	8	4	14	5	9	10	13	7
10	Тошкент вил.	11	7	10	14	12	12	4	9	8	2
11	Қорақалпоғистон Рес.	10	5	9	5	9	3	12	11	14	12
12	Хоразм	9	11	6	6	3	9	11	14	12	11
13	Жиззах	12	14	14	12	13	10	10	3	2	9
14	Қашқадарё	14	13	13	11	10	8	13	7	10,5	6



да ўсмирлар ўртасида 44-мактаб ўқувчиси Темур Наимов (179 см) натижа билан барча тенгдошларни ортда қолдирди. Унинг мактабдоши Анна Кутянина (156 см) ҳам энг яхши кўрсаткичга эришди.

Мусобақанинг учинчи куни 200 метр, 1500 метр ва 3000 метрга югуриш, узунлик сакраш мусобақалари ўтказилди.

200 метрга югуришда ҳам наманганлик Оксана Сухачева (25,8 сек.), ўсмирлар ўртасида тошкентлик Данил Попов (23,5 сек.), 1500 метрга югуришда андижонлик Ирина Мороз биринчи ўринни эгаллади.

3000 метрга югуришда андижонлик Нуриддин Неъматов мусобақа голиби бўлди.

Узунлик сакрашда қизлар ўртасида тошкентлик Екатерина Пархоменко (5,03 метр), ўсмирлар ўртасида жиззахлик Федор Лященко (5,96 метр.) биринчи ўринни олди.

Енгил атлетика мусобақалари якунига кўра, Тошкент шаҳридаги 44-ўрта мактаб жамоаси “Олимпиада умидлари—2001” спорт мусобақа-

вилояти жамоаси билан учрашувни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу учрашувда пойтахт вилояти ўқувчилари ўйиннинг йигирма бешинчи дақиқасида дарвозани ишғол қилишди. Орадан беш дақиқа чамаси ўтганда наманганликлар 11 метрлик жарима тўпини киритиб, ҳисобни тенглаштиришди.

Тошкент вилояти футболчилари яна битта тўпни дарвозага йўллашди. Ўйиннинг иккинчи қисмида наманганликлар ҳар жиҳатдан устунликларини кўрсатиб, ниҳоят дарвозага иккинчи тўпни киритишди. Ҳисоб 2:2. Галабага бўлган ишонч, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш уларга яна бир бор дарвозага учинчи тўпни йўллаш имконини берди.

Наманган шаҳридаги 31-мактаб ўқувчилари Бухоро жамоасини 1:0 ҳисобида, Тошкент шаҳри жамоасини ҳам 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, “Олимпиада умидлари—2001” мусобақаси чемпиони бўлишди. Куни кеча Тошкент шаҳри (236-мактаб) жамоаси билан учрашувдан сўнг футбол ишқибозлари голиб жамоани қизгин олқишлашди.

ҳомийларидан, Олий Мажлис депутати Х.Латипов мусобақа чемпионлари наманганлик спортчиларга биринчи даражали дипломларни топширди.

Иккинчи ва учинчи ўрин

Маълумки, миллатни жаҳон шоҳсупасига олиб чиқувчи восита бу унинг буюк аждодлари ва истеъодли, билимли, баркамол фарзандлари ҳисобланади. Шу боис, бугун юртимизда улуғ боболари-

10 йиллиги олдида бу вази-фалар ҳам ўз ечимини топди десак, муболаға бўлмайди. Зотан, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида шаклланаётган ёшлар ҳозирданок ўз қобилиятларини кўрсатишга улгуришди. Улар дунёнинг турли бурчакларида илм-фан, спорт соҳаларида юртимиз тимсоли ҳисобланган муқаддас байроғимизни мадҳиямиз тароналари остида кўкларга кўтаришмоқда.

Гаффор МАННОПОВ,
Хусан НИШОНОВ,
Баходир ЖОВЛИЕВ,
“Ma'rifat”нинг махсус
мухбирлари

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



ЯНГИ ТАШАББУС

Кунни кеча Ўзбекистон Миллий Матбуот Марказида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати таркибида Болалар ташкилотини тузиш бўйича йигилиш бўлиб ўтди. Унда Болалар ташкилотини тузиш ташаббуси қўллаб-қувватланди, ҳамда ташаббус гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган Низом лойиҳаси муҳокама қилинди. Болалар ташкилоти Низомини

қўшимча таклиф ва мулоҳазалар асосида тўла матнини ишлаб чиқиш учун йигилишда ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур Ишчи гуруҳи Болалар ташкилоти Низом лойиҳасини 10 кун муддат ичида тайёрлаб, ижтимоий ҳаракат Марказий кенгашига тақдим этиш вазифаси топширилди. Болалар ташкилотини тузиш билан боғлиқ бўлган таклифлар ва

режалар тасдиқланди, шунингдек, йигилишда вилоят Болалар ташкилоти раислари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши раислари, Халқ таълими вазирлигининг вилоят бошқармаси бошлиқлари, ёшлар ва болалар нашрлари бош муҳаррирлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.



Ҳар бир касб эгасининг, ҳар кимнинг ўзига хос байрами бўлади. Мактаб ўқувчилари орзиқиб кутадиган байрамлардан бири — «Сўнги кўнғироқ». Мактабларда кунни кеча охириги дарслар ўтилди. Мухбирларимиз бу дақиқаларни мангуга муҳрлашга улгурди.

Суратларда: пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактабнинг 4"А"-синф ўқувчилари бошланғич таълимнинг сўнги сабоқларини олмоқдалар.

* Навоий вилояти Нурота туманидаги Ш.Рашидов номидаги 20-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Баҳодир Болибеков ўз ўқувчиларига навбатдаги дарсни тушунтирмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



Жойларда шогирдлари камалидан шодлана биладиган устозлар жуда кўп. Шундай устозлардан бири Наманган туманидаги иқтисодий ҳуқуқ лицей-интернатининг олий тоифали ўқитувчиси Турғунпўлат Ҳақимовдир. Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари-

нинг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида шогирди, битирувчи синф ўқувчиси Улуғбек Хусаинов ҳуқуқ фани бўйича олимпиадада 90 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллаганини эшитганида, устозининг

лар. Ушанда ҳам устоз ҳар иккаласини самимий таъриқлаганди.

Дарҳақиқат, эндиликда наманганликлар Турғунпўлат акани ўзгача гуруҳ билан тилга олишиб, ҳуқуқ фани бўйича энг зўр муаллим, дейишмоқда.

Sinab ko'ring

ҳуқуқий адабиётлар, "Ҳуқуқ", "Қонун ҳимоясида", "Инсон ва қонун" сингари газета-журналлар ҳам ўқишга тавсия қилинади. Бу

ТАЪТИЛГА УЙ ВАЗИФАСИ

кўзларида қувонч ёшлари қалқди. Улуғбекка пешвоз чиқиб, уни бағрига босди...

—Бундай ҳаяжонли дақиқалар устоз ҳаётида кўп бор содир бўлган, — деди Наманган ВЎМОИ мутахассиси Содикжон Тожибоев. — 1996 ва 1998 йилги фан олимпиадаларида шогирдларидан Насимхон Бурхонов ҳамда Фуломжон Ҳақимовлар ҳам ҳуқуқ фани бўйича бўлган беллашуларда совринли ўринларни эгаллашиб, талабалар бахтига муяссар бўлганди-

Устоздан бундай муваффақиятларнинг сир-синаоти нимадалигини сўраганимизда у "Энг аввало, ўқувчиларни китоб мутолаасига кўниктирмоқ зарур", деди. Муаллим эътирофига, у таълим бераётган ўғил-қизлар ёзги таътил пайтида бўш юришмайди, уларга ҳуқуқ фанига оид қатор қўлланмалар, китоблар уйга вазифа сифатида ўқишга берилади. Шунингдек, Президентимиз Ислам Каримов китоблари, рисоалари, "Адолат" нашриётида чиқарилаётган

усул устозга муваффақиятлар келтириб, унинг обрўси ошишида муҳим омил бўлмоқда.

М.ҚУРБОНБОВ

Суратда: фидойи муаллим Турғунпўлат Ҳақимов ҳуқуқ фани бўйича республика олимпиадаси ғолиби Улуғбек Хусаиновни мактабни тугаллаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётганлиги муносабати билан қизгин табрикламоқда.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«So'nggi qo'ng'iroq» tadbirlari

ЭҲТИРОМИМИЗНИ
ҚАБУЛ АЙЛАНГ!

Кеча Республикаимиздаги барча илм масканларида «Сўнги кўнғироқ» тадбирлари бўлиб ўтди.

Мухбирларимиз ва жамоатчи мухбирларимиз ҳам айрим мактабларда бўлишиб, бу тадбир нафақат анъанавий, балки ўзига хос байрам эканини ҳис этишди. Гап шундаки, уларнинг таассуротлари айнан бир фикр теварагида жипслашди: «Сизга таъзим, азиз муаллим!»

ФАХРИМИЗ
БЎЛИБ
ҚОЛСИНЛАР

Яккасарой туманидаги 176-мактаб ҳовлиси "Сўнги кўнғироқ" кунни нафақат мактаб жамоаси, балки шу ҳудуддаги ота-оналар меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Ёзги таътидан дарак берувчи кўнғироқ товуши мактабни шу йил тамомлаб кетаётган 11-синф ўқувчилари учун сўнги бор жаранглади. Унинг садоси йиғилганлар ҳаяжонидан зоҳир бўлган дақиқаларда Республикаимизнинг барча мактабларида ҳам шундай ҳолат ҳукмрон бўлганлигини тасаввур қилинг-а!

Ҳа, бугун минглаб ўсмир-ёшлар

Сирдарё тумани ўқув даргоҳларининг 9-ва10-синфларини бу йил икки мингдан зиёд ўқувчи битираяпти. Туман халқ таълими бўлими ана шу ўқувчилар учун "Битирувчи—2001" деб номланган ажойиб тантана ўтказди. Шу кун "Малик" ширкат хўжалигига қарашли маданият уйи ҳар қачонгидан гавжум бўлди, бу ерга ўқувчилар, устоз муаллимлар, ота-оналар йиғилдилар. Эрта-индин битириш имтиҳонларини якунлаб, қай бирлари касб-хунар коллежларига, бошқалари олий ўқув юртларига ҳужжат топширишни кўнғилга

катта ҳаётга қадам қўймоқда. Дилларида дунёча орзулари бор уларнинг. Не бахтки, ана шу орзуларнинг рўёби учун юртимизда имконият бор. Улардан фақат йўлни тўғри танлаш, интилиш, изланиш ва ўз иқтидорларини Ватан йўлида бахшида этишни тилаб қоламиз.

Ушбу мактаб раҳбари Камола Абдувоҳидованинг таъкидлашича, ўтган йилги битирувчиларнинг 96 фоизи олий ўқув юртига кириб, юқори кўрсаткичга эришган эди. — Бу йил мактабни тамомлаётган ўқувчилар ҳам ушбу илм даргоҳининг фахри бўлиб қоладилар, деб ишонаман, — дейди Камола опа.

Фахриддин КАРИМОВ

ГУЛЛАР ТАҚДИМ
ЭТИШДИ

Ҳамза туманидаги 206-мактабда ўтказилган "Сўнги кўнғироқ" тадбири ҳам ҳаяжонларга бой бўлди. Тадбирда ҳозир бўлган мактаб жамоаси, ҳокимлик ва жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, ота-оналар битирувчиларга мустақил ҳаётдаги ишларига омадлар тилаб, дил сўзларини баён қилдилар. Тад-

ЗЎР
ТАНТАНА

туғиб қўйган йигит-қизлар шаънига сўзлар айтилди, уларга "оқ йўл" тиланди. Битирувчиларнинг энг муносибларига эса туман хотин-қизлар кенгаши, халқ таълими бўлими, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ижтимоий ҳаракати, "Меҳр" газетаси каби ташкилотчи ва ҳомийларнинг Фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари топширилди. 23-мактаб ўқувчилари Наргиза Давлатова, Гул-

дона Нуртובה, Гўзал Кўзибоева, Манзура Нуртובה, Феруза Каттабоевалар ижросидаги кўшиқлар, шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ҳилола Шукурова ижро этган рақслар кечага ўзгача файз бағишлади. Тантана меҳмони — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозов ўз кўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этди. Хуллас, шу кунни шеърлар кўшиқларга, кўшиқлар рақсларга уланиб кетди. Битирувчиларнинг ёдида бир умр муҳрланиб қоладиган тантана бўлди.

Фаррух ДАВЛАТОВ,
Сирдарё туманидаги
1-лицей битирувчи

бир якунида битирувчилар мактаб раҳбари Саида Маткаримова ҳамда Хосият Муқимова, Ҳамида Бобожонова ва бошқа кўплаб фидойи устозларига эҳтиром рамзи сифатида гуллар тақдим этишди.

Назира РАҲМАТОВА

ҲАЯЖОНЛИ
ДАҚИҚАЛАР

Умринг давомида сенга ўзгача завқ, хушқайфият бағишлайдиган, ҳаяжонга соладиган нарсани нима, деб сўраганларида мен "Сўнги кўнғироқ" садоси дея жавоб берган бўлар эдим. Эшитган инсонни ўзига жалб этиб, чуқур ўйга соладиган ана шу "Сўнги кўнғироқ" садолари кеча республикаимизнинг турли вилоят, шаҳар ва чекка-чекка қишлоқларидаги барча мактабларда 2001 йилнинг битирувчи синф ўқувчилари учун янгради. Мирзо Улуғбек тумани 279-мактабдаги бир партада гоҳ уришиб, гоҳида жой таллашиб, гоҳ эса яна ўша партада бирга ўтириб дарс тайёрлаган кезларини, қўйилган баҳодан норози бўлиб, жаҳл устида тушуниб, тушунмай ранжитган ўқитувчиларининг қиёфасини бирма-бир

кўз ўнгидан ўтказаятган битирувчиларнинг ҳаяжони чексиз бўлди. Мактаб директори П.Киселёв ўзининг энг эзгу ниятларини ўқувчиларга изҳор этиб, битирувчиларни табриклади. Кўзларида севинч ёшлари қалқиб турган битирувчилар устозларига дилдаги энг самимий тилақларини билдиришиб, уларга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Аёло баҳо ва намунали хулқ билан мактаб ҳаётида фаол қатнашган ўқувчилар фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Тадбир ниҳоясида ука-сингиллар учун дам олиш фурсати етганлигини, бир поғона куйи синф ўқувчиларининг энди улар битирувчи синф эканликларини эслатаётган "Сўнги кўнғироқ" битирувчиларга янги, мустақил, сирли синоатларга бой ва гўзал ҳаётга илдам одимлар ташлаш кераклигини англатиб, юракларга ларза солиб жаранглади.

Райхон ХОЛМУРОВОВА,
"Маърифат" мухбири

Суратда: пойтахтдаги 176-мактабда ўтган "Сўнги кўнғироқ" тадбиридан лавҳа.

Бурхон РИЗО олган сурат.

Бугунги меҳмонимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева ўзини санъат соҳасига бағишлаган инсонлар сирасига киради. Султонпошша 1956 йилда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида таваллуд топган. Шу тумандаги ал-Хоразмий номидаги 38-ўрта мактабда, сўнгра Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида таҳсил олган.

Ўрта мактабда, "Лазги" ансамблида ишлаган. Ҳозир у ўзи тузган гуруҳда яккагон хонанда сифатида фаолият кўрсатмоқда. С.Ўдаеванинг санъат оламига кириб келишига ўзидаги иқтидор, қолаверса, мактаб, у яшаган оилавий муҳит сабаб бўлган. Эл эътирофига сазовор бўлган таниқли санъаткор Туркия, Югославия, Озарбойжон, Жанубий Корея каби давлатларда хизмат сафарларида бўлиб, Ўзбекистон кўшиқчилиги санъатини намойиш этди. Унинг устозлар меҳнати, муаллимлик масъулияти, фарзандлар тарбияси, бугунги кун кўшиқчилиги ҳақидаги фикрлари эътиборга молик. С.Ўдаева билан суҳбатимиз ана шу каби мавзулар атрофида кечди.

Меҳмонхона



сиз. Сир бўлмаса айтинчи, уларни қай тарзда ўрганиб, мухлисларингиз эътиборига ҳавола этасиз?

— Мусулмон мамлакатлари кўшиқларининг дарди, йўли, оҳанги, барибир бизга қалбан яқин. Шу боис уларни ўзимизга тез қабул қиламиз. Масалан, туркча, озарбойжонча кўшиқларнинг сўзлари, иборалари майин, юмшоқ айтилади. Илгарилари уларнинг шеърларини, кўшиқларини ижро этиш мақсадида қайта-қайта эшитганман ва бирор-бир чет эл кўшигини ижро

Дейлик, Сиз қандай кўшиқларни берилиб тинглайсиз?

— Комилжон Отаниёзов, Ҳожи Абдулазиз (танбур жўрлигида айтганлар), Иброҳим Тотлиса, Зайнаб Хонларова кўшиқларини тинглаб дам оламан. Бу санъаткорлар ижросидан камчилик тополмайсан. Улар танлаган шеър, яратган куй кишиларни ҳамон ҳайратлантириб келади. Масалан, Комилжон Отаниёзов ўз фаолиятида Огаҳий, Лутфий, Махтумқули каби мумтоз шоирлар ижодидан фойдаланган. Машхур ашуланига замондош шоирлар бўлмаган дейсизми?

Яна бир санъаткор, такрорланмас овоз соҳиби Ҳожихон Болтаевнинг ижро маҳорати ҳам алоҳида тўхталиш мумкин. Бу инсонда овозни баланд пардаларда ушлаб туриш санъати кучли эди. Умуман, уларнинг Худо берган овозини, куй-созини тинлаган кишининг қалб торлари чертилмай қолмайди.

— Фарзандларингиз ўқиши, юриш-туриши билан ҳам қизиқиб турасизми?

— Ҳар бир она, аёл учун оила муқаддас саналади. Оилада тотувлик, иноқлик

да Оллоҳ томонидан инъом этилган майин, ширали, нолали овоз, бир бутунликни ташкил этиш учун эса овозга мос мусиқа, шеър, шунга яраша чолғучилар ҳам бўлиши керак. Сўз дардли ёки ўйноқи бўлсаю, куй ҳам шунга мос, муносиб яратилган тақдирдагина яхлитлик, мутаносиблик юзага келади. Аслида кўшиқ яратиш — мураккаб жараён. Менимча, хонандалар шеър ўқиш санъатини эгаллаган мутахассислар билан ишлашса, кўзлаган мақсадига эриша олишади. Сир бўлса ҳам айтиб қўя қолай, чиройли шеър ўқишининг ўзидан чиройли куй келиб чиқади. Шу усул билан мусиқа яратаман. Албатта, бунинг учун фақат яхши, халқ юрагига яқин шеър танланиши керак.

— Ҳозирги кун кўшиқчилиги ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ҳозир бир-бирдан гўзал, жозибали, оригинал кўшиқлар яратилаётгани мени қувонтиради. Кўшиқчилигимизда ўсиш, ривожланиш бор. Қувонарлиси, кўплаб ёшларимиз янгиликларга қўл уришяпти. Тўғри, саёз кўшиқлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолларда мутахассислар кўшиқчилик соҳасини назорат қилиб, керак бўлса тозалаб, йўл кўрсатиб туришлари ҳам керак. Хуллас, ҳаммаси йўлга тушиб кетади, бўлмайдиганлари эса ўз-ўзидан четга чиқиб қоладилар.

— Шоирлардан кимлар билан ҳамкорлик қилаёсиз?

— Шоирлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб тураман. Зулфия Мўминова, Ҳалима Худойбердиева, Шарифа Салимова, Муяссар Отажонва шеърларидан фойдаланаман. Улардаги ўзига хос оҳанглари илғашга ҳаракат қиламан. Ҳам миллий, ҳам замонавий руҳда ижод қилаётган бастакорларни учратиш қолсам, хурсанд бўлиб кетаман.

— Шогирдларингиз ҳақида нималар дея оласиз?

— Санъатимни яхши қўриб, ўрганаман деб юрган ёшлар кўп. Уларга биланларимни ўргатаман, тўғри йўл кўрсатаман. Иқтидорига қараб маслаҳатлар ҳам бераман.

— Инсонлардаги қайси фазилятларни кўпроқ қадрлайсиз?

— Инсонлардаги донолик, камтарлик, мардлик каби фазилятларни қадрлайман. Меҳр-муҳаббатли, меҳнатқаш, фидойи, тўғри сўз кишиларни хурмат қиламан.

— Ўқитувчи ва мураббийларга истак ва тилакларингиз.

— Аслида ўғил-қизга бирон нарсани ўргатишдан қийин нарсани йўқ. Шу боисдан ҳам ўқитувчиликни қийин, мураккаб, шу билан бирга шарафли касб, деймиз. Устозларимиз ана шу касбларидан барака топишсин, фарзандлари, шогирдлари камолини кўриб шод-хурам юришсин! Кўшиқлар эса уларга ҳаммаша ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан.

Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ
суҳбатлашди.

УСТОЗЛАР МЕҲРИНИ ЭСЛАБ ҚОЛГАНМАН

— Мактабга борган йилнинг ва 1-синфга кўйган илк қадамларингиз ёдингизда қолганми?

— Болалик инсонга кўп нарсани — болаларча соддалик, беғуборлик, самимийлик каби фазилятларни, энг бокира туйғуларни ҳадя этади. Шу боисданми, болалик давларида кайта-қайта эсга олавераман. Айниқса, 1964 йили ота-онамнинг ўзгача ҳаяжон, ўзгача хавотир билан мактабга йўлланганликларни бир умр ёдим лавҳаларида сақланса керак. Уша кун мени биринчи муаллимим Солия опа Матёкубова (жойлари жаннатда бўлсин) бир ажиб меҳрибонлик билан кутиб олгандилар. Солия опа меҳрибон бўлсаларда, куюнчак, ғоят талабчан устоз эдилар. У киши ҳуснихатимизга, китоб ўқишимизга алоҳида эътибор билан қарардилар. Барча муаллимлар ҳам ана шундай бўлса, деб орзу қиламан.

— Яна қайси фан ўқитувчиларини алоҳида мамнуният билан тилга оласиз.

— Она тили ва адабиёт фанидан Тўхта опа Каримова яхши дарс беради. Ушбу фаннинг санъатга яқинлигини, адабиёт — сўз санъати эканлигини онгизмига моҳирона синдира олган устозлардан бири ҳам шу инсон эдилар. Яна мактабимиз раҳбари Ҳабибулла Матёкубовни мамнуният билан тилга оламан. У киши жамиятшунослик фанидан дарс бериш қаторида торчалиб, кўшиқ айтарди, мумтоз кўшиқларни берилиб тингларди. Мактабга энг яхши мусиқа ўқитувчиларини жалб қиларди. Шу каби омилларга кўра мактабимиз санъат бобидаги кўрик-танловларда ҳаммаша голиб бўларди. Яхши, санъатсевар устозларим кўмаги билан санъат соҳасига бўлган қизиқшларим сайқал топиб борди. 1972 йили 8-синфда ўқиётган чоғимдаёқ "Марҳаббо, талантлар!" телеконкурсида қатнашиб, голиб чиққанман. У ерда айтган "Онажон" деб номланган кўшигим мени Ўзбекистонга танитди десам, муболаға бўлмайди.

— Мактабда ўқиб юрган пайтларингизда эсда қоларли бирор-бир воқеа юз берганми? Умуман, санъат майдонига қачон қадам кўйгансиз?

— У пайтда 2-синфда ўқирдим. Ота-онам санъатга қизиққанлари боисми, уйда пластинкали радио, патефон бўлар эди. Оила аъзоларимиз билан кўплаб кўшиқларни, дostonларни биргаликда тинглар эдик. Шу десан-

гиз, синфга уйда эшитган кўшиқларим кайфиятида кириб борибманми, дарс ҳеч қулоғимга кирмаган. Ўзим билмаган ҳолда партани соз қилиб чертиб, "Онам дерман" кўшигини берилиб айтаверибман. Ушанда устозим ҳам шаштимни қайтаришни ўзига эп билмаганларки, мени коймаганлар. Демокчманки, санъат майдонига 2-синфдалигимдаёқ қадам кўйганман. 4-синфда эса Хоразм телевидениесига "Тонг отади-ё" кўшигим билан чи-

қиш қилганман. Хуллас, 7-8-синфлардаёқ кўпчиликка танилиб қолган эдим.

— Устоз-мураббийларингизнинг қай биридан кўпроқ ўрнак олишга ҳаракат қилгансиз? Уларнинг қайси жиҳатлари сабоқ бўлса — арзигулик?

— Устозлар билан юриб, уларнинг энг сара фазилятларини, ибратли жиҳатларини олишга ҳаракат қилганман. Ҳалима Носирова, Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Назира Юсупова, Султонпошша Раҳимоваларни ўз соҳасининг фидойилари десам, янглишмайман. Улар тинмай меҳнат қилишиб, жамики куч-ғайратини санъатга бағишлаган ва мукамал ижрочилар номини олишга муяссар бўлганлар.

— Сиз кишиларни мушоҳадага ундайдиган мумтоз ашулаларни ҳам айтасиз. Барибир, мухлислар Султонпошша Ўдаевадан шўх кўшиқларни кутади. Нега шундай?

— Биласиз, Хоразмда куйламайдиган ёки рақсга тушмайдиган кишиларни топиш қийин. У ерда юқори пардаларда айтиладиган кўшиқлар қаторида ўта жўшқин, жозибали, шўх кўшиқлар ҳам айтилади, давралар қизитилади. Хоразмча кўшиқ ва унинг оҳанглари бошқа вилоятларниқидан ўзига хос ижро усули, йўли билан ажралиб туради. Буни ҳис қилган томошабинларда Султонпошша Ўдаева, шўх кўшиқларни яхши айтади, деган таассурот, фикр уйғонган бўлиши ҳам мумкин.

— Султонпошша опа, турк кўшиқларини ҳам маромига етказиб ижро эта-

этиш учун, аввало, улар тилини чуқур ўрганиш зарур деган хулосага келганман. Ҳаттоки айрим сўзлар маъносини ўқиш, билиш ниятида Ўзбекистон радиосининг хорижий эшиттиришлар муҳарририятига тез-тез бориб турганман...

Туркларнинг Иброҳим Тотлиса, деган машхур ашулани бор. Ширин овоз соҳибининг ижро маҳорати ҳам тан берган ҳолда ундан ниманидир ўрганишга ҳаракат қилиб, хонанданинг кўшиқларини такрор ва такрор тингланганман. Ҳозир ижро этаётган кўшиқларим ана шу изланишларим маҳсулидир.

— Чет эл сафарларида ҳам бўлгансиз. Санъат ихлосмандлари сифатида қайси юрт томошабинлари Сизда кўпроқ таассурот қолдирган?

— Туркия, Югославия, Озарбойжон, Жанубий Корея давлатларида хизмат сафарларида бўлиб, миллий санъатимизни намойиш этганмиз. Югославия, Жанубий Корея мамлакатларидаги томошабинлар ҳар бир санъаткорнинг овоз диапазонига қараб баҳо берадилар, илк ижроингизданок машхур ёки машхур эмаслигини пайқайдилар. Мухими, улар ҳар бир чиқишининг жон қулоғи билан тинглайдилар. Турклар ҳам, озарбойжонлар ҳам миллий санъатимизни яхши кўришади.

— Муштарийларимиз таниқли санъаткорларнинг қайси хонандалар куй-кўшиқларини ёқтиришларини билишга қизиқишлари, табиий.

бўлмаса, одамзотга ҳеч нарсани татимайди. Шу боисдан турмуш ўртоғим билан биргаликда фарзанд тарбиясига жиддий қараймиз. Фарзандларимиз мактабни битириб, турли хил ўқув даргоҳларида таълим олишни давом эттираётган бўлсаларда, уларнинг юриш-туришини назорат қилиб тураман, ўқишлари билан қизиқамиз. Зеро, фарзандлар авлодимизни давом эттирувчилардир. Уларни мукамал ҳолатда кўришни истаймиз.

— Кўшиқ мухлислари "фалон санъаткор ижро этган кўшиқдаги баъзи сўзлар маъносини илғай олмадим" дейишади. Назаримда, санъаткор ўз овози, талаффузи устида доимо ишлаб, сайқаллаб бориши зарурга ўхшайди. Бунга қандай қарайсиз?

— Санъаткор ўз овози, талаффузи устида доимо ишлаб, сайқаллаб бориши зарур ва шарт. Бу санъаткорнинг энг керакли жиҳати ҳамдир. Чунончи, машхур санъаткорлар бежиз машхур бўлишмаган. Улар ҳар бир сўз, иборанинг талаффузи устида эринмай ишлашган. Демокчманки, умрбоқий кўшиқ яратаман десангиз, жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Умрбоқий кўшиқ учун овозни ишлата билиш, жойида маҳзун бўлиш, жойида нола қилиш зарур бўлади. Кўшиқларни юракдан сайқалламасангиз, у тингловчиларга манзур бўла олмайди.

— Овоз ва соз ёки куй мутаносиблиги қандай бўлиши керак?

— Энг аввало, санъаткор-

БОҒЧА, МАКТАБ, ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИЦИ

Ҳаётнинг ҳар қандай бўлишига, идрок этишга ўргатиб, уларда диққатни, хотирани ўстириш билан бирга мантиқий тафаккурни ривожлантиради. Ҳозирги вақтда айрим ота-оналар турмуш иқир-чиқирлари билан овора бўлиб, назаримизда, фарзандлари таълим-тарбияси билан шуғулланишга андак бепарворқ бўлиб қолмоқдалар. Бундай ҳолатдан бохабар бўлган болалар боғчаларининг илғор, изланувчан, жонқуяр тарбиячилари оиладаги бу каби кемтикликни тўлдирish мақсадида оналар билан алоҳида иш олиб бораётдилар. Уларга жажжи ўғил-қизлари билан биргаликда эски материаллардан таълимий, тарбиявий мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган ранг-баранг ўйинчоқлар ясашни ўргатиб, болаларига иқтисодий таълим-тарбия беришга йўналтирмоқдалар.

Ушбу йўналишни янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент туманидаги 14-“Наврўз” болалар боғчасида Оналар ва болалар йили ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлими мактабга таълим бўлимлари ташаббуси билан “Боғча, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги” мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Семинарда мазкур болалар боғчаси жамоаси, ота-оналар, маҳалла ҳамкорлигида олиб борилган ишлар натижасида “Ўйинчоқлар кўргазмаси” кўрик-

танлови ташкил этилди. Кўрик-танловга педагогик ҳамда гигиеник талабларга жавоб бера оладиган, янги педагогик технология — Монтеessori ва ТРИЗ услублари асосида тайёрланган 200 га яқин ўйинчоқлар намойиш этилди.

Кўрик-танлов иштирокчилари — оналар ва болалар ўзларини таништириш, ясаган кўргазма-ўйинчоқларини таърифлаш, тест саволларига жавоб бериш ҳамда эркин мавзу — қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш, шеър айтиш каби шартлар бўйича беллашдилар.

Tadbir

2001 йил — Оналар ва болалар йили бўлгани учун танлов қатнашчилари ясаган юмшоқ ўйинчоқларда куён, айик, фил ва уларнинг болалари кўриниши акс этган эди...

Ҳаёт қизиқарли, мазмунли ўтган тadbирда Муқаддас Собирбекова ўғли Комилбек билан танлов голиби деб топилди. Саодат Айдаралиева ўғли Шаҳзод билан, Насиба Исмаилова кизи Назокат билан 2, Наргиза Юсупова кизи Эъзозахон билан 3-ўринни олишга муваффақ бўлдилар.


Танлов иштирокчиларига болалар боғчаси жамоаси ҳамда Нури Одилова маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раисаси Қундуз Жамолитдинова қимматбахо эсдалик совғалари топширдилар.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги 6-мактабда 1-синф ўқувчилари ва 14-болалар боғчаси кичкинтойлари ҳамкорлигида “Она ҳаётнинг гули, фарзанд унинг булбули”, деб номланган байрам бўлди. Ўқувчилар оналарни мадҳ этувчи шеър, ашулалар ижро этишиб, сахна кўринишлари намойиш этидилар. Боғча болалари ўқувчиларнинг янги педагогик технологияга оид тест саволларига аниқ, бурро жавоб бердилар. Даврага ташриф буюрган Ибн Хаттобнинг қизиқарли саволларига болажонлар тўлиқ жавоб беришиб, ўзларининг чақон ва топқирликларини намойиш этидилар.

— Мактабимиз, — деди илмий бўлим мудири Махбуба Ортиқова, — 14 ва 7-болалар боғчалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. Боғчага бот-бот чиқиб, услубчилари билан биргаликда тadbирлар ўтказамиз. Ота-оналар ва боғча жамоасидан беҳад хурсандимиз. Боғчадан мактабга келган болаларни унчалик қийналмасдан ўқитамиз. Таълим узлуксизлигини таъминлаш мақсадида боғчада олган инглиз тили, компьютер сабоқлари мактабда ҳам давом эттириляпти.

Тadbирда иштирок этган вилоят туманлари халқ таълими бўлимлари, мактабга таълим бўлимларининг услубчилари, болалар боғчаларининг мудирилари Фиёс Умаров ширкат хўжалиги шийпониди бир пиёла чай устида кўриктанлов ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Дилбар ХҲЖАЕВА



Келажакимиз во-рислари бўлмиш ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавий пок, кучли, бакуват, етук шахс қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни чексиз. Мактабга таълим муассаларида фарзандларимиз жисмоний тарбия машғулотларида иштирок этиб, мурғаклик давридаёқ спорт турлари билан шуғуллансалар, ижобий натижаларга эришиши, табиий.

Пойтахтнинг Шайхонтохур туманидаги 185-болалар боғчасида катта ва тайёрлов гуруҳлари тарбияла-

нувчилари иштирокида “Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур” шиори остида “Салом, олимпиада!” мавзусида жисмоний тарбиядан ноанъанавий машғулот ўтказилди. Машғулотда туман болалар боғчаларининг жисмоний тарбия йўриқчилари қатнашдилар.

Машғулотда болалар мусиқа остида арқонда сакраш, бокс, халқ машқлари, каратэ, кураш, акробатика каби спорт турлари бўйича чақонлик, эпчиллик маҳоратларини намойиш этидилар. Машғулот сўнггида болалар халқалар иштирокида олимпиаданинг рамзий маъносини акс эттирдилар.

Суратда ноанъанавий жисмоний тарбия машғулотида лавҳа акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Олти миллиарддан зиёд инсон истиқомат қилаётган заминда олти миллиарддан зиёд феъл-атвор, характер соҳиблари яшайди. Кимдир эзгу амаллар қилиб халқига, оиласига наф келтиришни ўзига шиор қилиб олган бўлса, кимдир кимгадир озор беришни, ён-атрофидагиларга доимо безовталик кайфиятини улаштиришни яхши кўради.

Газета тахририятига турли-туман кишилар ўз мақсад ва муддаолари билан ҳар кун келиб туришади. Яқинда Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманида истиқомат қилувчи Мусо Шерматов “Бир мактаб хангомаси” деб номланган мақола кўтариб келди ва уни ўзгартиришсиз қилишни талаб қилди. Ушбу мақола деб айтаётганимиз шикоят хати бўлиб, унда туманининг Улуғбек номи 24-мактаби раҳбари ўрол Қурбоновнинг қилаётган ишлари ҳақида, мактабдаги таълим-тарбиянинг сусайиб кетганиги, мактаб директори ўз атрофида фақат ака-укаларини тўплаб олганлигини, мактаб ўқитувчилари бўлган ўрол Қурбоновнинг ака-укалари ўқувчиларга етарлича билим бера олмаётганиги, натижада болалар саводсиз бўлиб қолаётганлиги “қуйиниб” қаламга олинган эди.

Биз ушбу тилга олинган камчилик ва нуқсонларни ўзимиз текшириб кўрмасдан мақолани бера олмаслигимизни, уни Қашқадарё вилоятидаги ўз мухбиримизга жўнатишимизни М.Шерматовга маълум қилдик. Биз мақолада келтирилган далилларнинг нечоғли тўғри ёки нотўғрилигини билиш мақсадида, уни Абдували Обидиновга жўнатиб улгурмасимизданок, М.Шерматов ўз мақоласи (“Бир мактаб хангомаси” назарда тутиляпти) ва “Бир мухбир хусусида” деб номланган шикоят хатини Республика Халқ таълими вазирлигига юбориб, Қашқадарё вилояти бўйича мухбиримиз хусусида асоссиз салбий хулосаларни чиқарган.

Мана унинг “Бир мактаб хангомаси” номи мақоласи (шикоят хати)дан айрим парчалар: “...Улуғбек номи ўрта мактабда меҳнаткашларнинг 350 га яқин фарзандлари таълим-тарбия олади. Билим маскани бир пайтлар яхшигина обрў-эътиборга сазовор бўлди. Нима бўлди, ўрол Қурбонов бу мактабга директор бўлиб қолди. Ўрол директор бўлиши биланоқ оғайни-қариндошчилик касалига мубтало бўлди. У дарс тақсимида акиси Бозор Бердиев ва укалари Аъзам Бердиев, Жалол Бердиевларга қараша бошлади. Уларни ҳаммадан кўра кўпроқ дарс нагрускалари билан таъминлайдиган одат чиқарди...”

Айни пайтларда ўқувчиларнинг давомати кескин пасайиб кетди... Агарда Б.Бердиев ўқитаётган ўзбек тили ва адабиёти фанидан билимини синаш

мақсадида дастур асосида тест ёки рейтинг усулида синов олсангиз борми, ўқувчиларнинг нечоғли билимга эга эканлигини билиб оласиз... Шунингдек Жалол Бердиевнинг “Моҳир қўллар” тўғрагининг ишларини бир кўринг-чи? Таълим соҳасида Қурбоновнинг мактабни бошқаришдаги бундай оворагарчиликларини қандай баҳолаш мумкин?”

Бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган интилиш ва қизиқишларини кучайтириш учун қилинаётган барча эзгу амаллар Деҳқонobod туманидаги Улуғбек номидаги мактабда яхши йўлга қўйилмаган экан-да, ёш авлодга бу даражада безътибор бўлаётган кишиларнинг таълим соҳасида ишлашлари мумкин эмас-ку, деган ўй-хаёлларни кўнглимиздан кечирдик. Ва ушбу шикоят хатининг нечоғли тўғри ёки нотўғрилигини билиш, мактабдаги аҳволни ўрганиш ниятида Қашқадарёга отландик.

«БИР МАКТАБ ҲАНГОМАСИ»

ёхуд бизни овора қилган бир шикоят хати хусусида

24-мактабга кириб борганимизда мактаб директори бизни кўриб ажабланимди. Ҳаяжонга тушмади. Бунинг сабаби оддийлигини биз кейин билдик. М.Шерматовнинг бошқа шикоят хатлари бўйича ҳам бу мактабга биздан аввал кўпгина кишилар ташриф буюришган, мактабдаги шароит, ўқитиш услуби, ўқувчиларнинг билими билан қизиқишган, барча ҳужжат ишларини текширишган экан.

Гап бошламасимиздан аввал мактаб директори ўрол Қурбонов куйидагиларни сўзлай бошлади: “Биз Мусо Шерматовни Вазирлар Маҳкамасининг 328 сонли Қарори асосида ногирон бўлганлиги сабабли 1998 йилнинг 2 сентябрида 3-буйруқнинг 3-банди билан ишдан бўшатган эдик. Буйруқнинг мазмунини куйидагича: «Улуғбек номи 24-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шерматов Мусо 2-гурӯх ногиронлик нафақасига чиққанлиги сабабли, ВТКнинг умрбод ишга ярқосиз деган хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 июндаги 317-сонли қарори, 1992 йил Ўзбекистон Республикасининг 12 қақириқ Олий Кенгаши қарори кўра, ногиронлик гуруҳи ва уни иш қобилиятига қараб иш билан таъминлаш ҳақидаги кўрсатмаси ҳамда Деҳқонobod тумани халқ таълими бўлимига берилган Деҳқонobod ВТКсининг

1998 йил 228 сонли жавоб хатига асосан, 1998 йил 2 сентябрдан бошлаб ишлаш, тўғрисидаги мактаб раҳбари билан тузилган битим-шартнома бекор қилинсин”. Ушандан бери, бу инсонни бизнинг устимиздан шикоят ёзмаган бирорта ташкилоти ёки газетаси қолмади. Яқинда Фузор туманлараро судига ҳам даъво аризаси билан чиққан экан, биз судлашиб ҳам олдик. Тўғриси, ўзим ҳам нима қилишни билмай қолдим. Ўтган уч ярим йил мобайнида мактабимизни текширишга келмаган ҳеч ким қолмади, ҳисоб”.

Биз “Бир мактаб хангомаси” номи шикоят хатидаги фикрларнинг ҳақиқатга нечоғли тўғри келишини билиш мақсадида ў.Қурбоновга юзланиб, “Сиз мактабга ўз қариндош-уруғингизни йиғиб олибсиз”, деб мурожаат қилдик. “Тўғри, — деб тан олди ў.Қурбонов, — чунки бу қишлоқда менга ёки барча қишлоқдошларимизга бегона бўлган киши йўқ. Бири амаки, бири ака, бир ука. Бегона одам-

прогул учун иш ҳақларини ундириш ҳақидаги даъволар билан чиққан.

Суд ишни кўриб чиқаётган пайтда, М.Шерматов даъволаридан воз кечган ва бу ҳақда суд раиси Олимжон Тангматовга ариза билан мурожаат қилган. Жавобгар ў.Қурбонов бу ариза билан танишиб чиқиб, унинг аризасини қабул қилишини ва унга эътирози йўқлигини баён қилган.

Биз Мусо Шерматов билан ҳам суҳбатлашмоқчи бўлдик. Афсуски, уни на хонадонидан, на қишлоқ кўчасидан топа олдик.

Тўғриси, бу каби (“Бир мактаб хангомаси” назарда тутиляпти) шикоят хати орқасида шунчалик кўп ҳужжатлар ва оворагарчиликлар бўлишини хаёлимизга келтирмаган эдик. Икки мухбирнинг уч кунлик умри, тахририятнинг маблағи ҳам беҳуда кетди. Бу вақт ва маблағни бундан зарур ишларга сарфлаш ҳам мумкин эди.

Мусо Шерматов Фузор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суд раиси О.Тангматовга қуйидаги мазмунда ариза ёзиб берган:

“Мен, Фузор туманларо фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси билан чиқан эдим. Суд муҳокамасида аниқланган ҳолатлардан хулоса чиқариб баён этган барча даъволаримдан, яъни арз қилган талабларимдан тўлиқ воз кечаман ва суддан менинг бу воз кечишимни қабул қилишини сўрайман. Шунингдек, фуқаролик ишини иш юриштидан тугатишгизни талаб қиламан. Менга, Ўзбекистон Республикаси Ф.П.Книнг 102-моддаси талаблари, яъни иш юришти тугатилган тақдирда қайтадан бу ҳақда иккинчи марта судга мурожаат қилишимга йўл қўйилмаслиги ва унинг оқибатлари тўлиқ тушунтирилди”.

М.Шерматов энди мактаб ҳақида ҳеч нарса ёзмадик, мактаб маъмуриятини ҳеч қачон судга бермасликка сўз берибди.

Мактабимизда камчилик ва муаммолар йўқ эмас. Уларни баҳамжиҳатликда, кенглик ва фидойилик билан бартараф этиш мумкин. Бунинг учун таълимимиз равнақи учун зарур қонун ва ҳужжатларни давлатимиз мухайё қилиб қўйган. Энди ҳар бир фуқаронинг бевосита бегараз иштироки ва куйинчалиги билан ана шу мақсадларга етишимиз мумкин.

Юқоридаги каби ҳолатлар эса бизни чалғитади, холос. Ҳар биримизга худо инсоф берсин.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ,
“Маърифат”нинг махсус мухбирлари

Истиқлол туфайли халқимизнинг баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ энг эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом фикрли, юксак салоҳиятли, маърифатли қилиб тарбиялашга қаратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши Ватанимиз миллий салоҳиятининг тарққий этишида муҳим воқеа бўлмоқда. Албатта, бу борада олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини тўғри англаш, талқин қилиш, қўлга киритилаётган ютуқларни, ўзгаришларни кўра билиш, тўғри идрок этиш улуг мақсад йўлидаги ҳаракатларимизни янада кучайтиришга ёрдам беради.

Ҳаётда турли маслак ва мақсад билан яшаётган ҳар хил тоифадаги одамлар ҳам учраб туради. Кимдир холис, эзгу ният ва орзулар оғушида турмуш чорраҳаларида дуч келган қийинчиликларни енгиб, юксак мақсадлар ила яшаётган бўлса, кимдир фақат қорин ғамида, кимдир... Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, шубҳасиз, халқимиз бахт-саодати, мамлакат келажаги учундир. Яратувчан халқимиз айнан ана шу мақсадда ҳар бир ишга бутун борлиги билан қиришгани учун ҳам 10 йилда улкан муваффақиятларга эришдик. Бу ютуқлардан нафақат юртдошларимиз, балки бизга хайрихоҳ дўстларимиз, қўшнилариимиз ҳам фахрланиб юрибди. Тўғри, гоҳо айрим юртдошларимиз узоқни кўзлаб қилинаётган ишлар моҳиятини тўғри англай олмаслик натижасида юзакироқ фикр юришиб кўядилар, аммо ҳаётда шундай одамлар ҳам борки, улар эзгу ишларини кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга оладилар, у ҳам етмагандай, эришаётган ютуқларимиз салмоғини пасайтириб, хайрли қадамларни қинғирликка йўядилар. Одамлар онгида нотўғри тушунчалар уйғотишга ҳаракат қиладилар. Ана шундай фикрлан кимнингдир кўлидаги тошга, кимнингдир измидаги кўғирчоққа айланиб қолган кишиларни кўргангидея шу юрт фуқароси сифатида асл ҳақиқат моҳиятини янада тереңроқ англагинг, янглиш тушунчаларга ойдинлик киритгинг келади.

Мамлакатимизнинг ҳар тарафлама тараққий этишида, жаҳон ахборот тизимига тезроқ киришиб кетишувида, иқтисодий-сиёсий муносабатларни жадаллаштиришда, дунёдаги барча мамлакатлар билан ҳамкорлик ришталарини ўрнатишда янги ўзбек алифбосининг жорий этилиши ўзига хос аҳамиятли воқеа бўлди, деб ўйлаймиз.

Янги ёзувнинг жорий этилиши, шубҳасиз, мазкур ёзувни тўла эгаллаган мутахассисларнинг мавжудлигини тақозо этарди, шу боис ҳам ўтган йиллар мобайнида Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим ходимларини, бошланғич синфлар ва юқори синфларнинг фан ўқитувчиларини қайта тайёрлашдан ўтказиш ҳамда малакасини ошириш ишларига жиддий эътибор қаратди.

Давлат дастурига ва Халқ таълими вазирлигининг тадбирларига асосан 1996-97 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфларида барча дарс машғулотлари янги ўзбек алифбосида олиб бориламоқда. Айни пайтда бугун умумий ўрта таълим мактабларининг 1-7-синф ўқувчилари лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида ўқимокда.

Юқори синфларда ўқувчиларни янги алифбода ўқишга тайёрлаш мақсадида факультатив тарзда машғулотлар ташкил этилган. Утган давр мобайнида зарур ўқув-услубий адабиётлар, ота-оналар, кенг жамоатчилик учун Республика Таълим маркази, А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш Марказий институти, Педагогика илмий-тадқиқот институти олим ва методистлари томонидан янги ўзбек алифбосини ўргатиш бўйича 30 га яқин қўлланма, тавсия, кўрсатмали курслар яратилди ва чоп этилди. Халқ таълими вазирлиги муассислигида нашр этилаётган "Маърифат", "Учитель Узбекистана" каби газеталар, "Халқ таълими", "Тил ва адабиёт таълими", "Бошланғич таълим", "Соғлом авлод учун" сингари педагогик журналлар саҳифаларида ўқувчилар,

ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик ўртасида янги алифбони ўрганишга қаратилган мақола ва тавсиялар мунтазам равишда чоп этилиб келинмоқда. Мактабгача ёшдаги ва бошланғич синфларда ўқиётган болалар учун "Тонг юлдузи" газетаси, "Ғунча", "Гулхан" журналлари янги алифбода чоп этилмоқда. Биргина "Шарқ"нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таъририяти томонидан (дарсликлардан ташқари) 1999-2000 йилларда болалар учун янги имлода 36 номда 373 минг ададда турли китоблар, 253 номда уч миллиондан ортиқ ададда бадий китоблар нашр қилинди. Мамлакатимиздаги бошқа ўнлаб нашриётларда ҳам бу борадаги ишлар маълум режа асосида давом эттирилмоқда.

Баъзи бир олимлар, мутахассислар, чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари гоҳо бўлаётган ислохотлар моҳиятини тўғри англай олмаётган-

кистоннинг барча ҳудудларидаги мактаблар учун бир хил. Аммо биз шунга қарамай, Қарши, Андижон, Марғилон шаҳарларидаги бир қатор мактабларда бўлиб, янги алифбода таълим олаётган ўқувчиларнинг кирилл алифбосини қай даражада билишлари билан ҳам қизиқиб кўрдик. Ўқувчилар нафақат, "Ўзбекистон овози", "Маърифат", "Туркистон" каби газеталарни, балки Алишер Навоийнинг шох асарларини, ғазалларини, "Бобурнома", "Зафарнома" каби тарихий китобларни, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Ойбекнинг "Навоий" ва бошқа ёзувчиларнинг кирилл алифбосида чоп этилган ўнлаб романларини, шеър ва ҳикояларини бемалол, ҳеч бир тугилмай ўқий олишларини намойиш этишди. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг рус, инглиз, немис, француз тилларида ҳам раван ўқишларининг гувоҳи бўлдик.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуksиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шундай экан, фарзандларимизнинг лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси билан бир қаторда кирилл ёзувидаги ўзбек алифбосини ҳам билишлари, бу ёзувдаги бой илмий ва

ҲАҚИҚАТНИ КЎРА БИЛИШ КЕРАК

лиги боис, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида ўзлари тушуниб-тушунмаган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчилар онгида нотўғри тушунчалар шаклланишига сабаб бўлмоқдалар. Айрим ҳолларда тушунмаслик оқибатида лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида таълим олаётган ўқувчилар янги алифбода кўшимча адабиётлар, бадий китоблар етарли бўлмагани боис, турли адабиётлардан бебаҳра қолаптилар, кирилл алифбосидаги адабиётларни, кундалик газета ва журналларни эса улар ўқий олмайдилар, деган тушунчаларга бориб қоляптилар.

Бизнингча, улар кейинги уч-тўрт йил ичида мактабга кирмаганлар. Акс ҳолда бундай хулосага бормас эдилар. Бу саволларга тўғри жавоб олиш унчалик қийин иш эмасди. Бунинг учун вазирликка ҳам, халқ таълими бошқармаларига ҳам эмас, биринчи навбатда, мактабга бориш керак эди. Негаки, ўқувчилар иккинчи синфдан бошлаб бошқа тиллар қаторида рус тилидан сабоқ олади. Айнан рус тили орқали улар кирилл алифбосини тўла ўзлаштиришади. Бу эса юқоридаги хулосаларнинг асосий эканлигини кўрсатиб турибди.

Хизмат вазифасига кўра, таълим муассасаларида тез-тез бўлиб, Давлат таълим стандартлари (ДТС) талаблари ва Давлат дастурининг бажарилиш аҳволини кузатиб борамиз. Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманидаги бир қатор мактабларда бўлганимизда 1—2-синф ўқувчиларининг бир дақиқада 55-60 та, 3-синф ўқувчилари 70-80 та, 4-синф 90-95 та, 5-синф ўқувчилари эса 110-125 тагача сўз (ҳар иккала ёзувда) ўқиётганларининг гувоҳи бўлдик. Бу кўрсаткич ДТСда белгиланган талабдан бирмунча юқоридир.

Айримлар бу Тошкент шаҳридаги мактаблардаги ҳолат, вилоятларда бундай эмас, деган мулоҳазага боришлари мумкин. Аввало, шунга айтиб ўтиш лозимки, ДТС талаблари Ўзбе-

адабий меросимиздан баҳраманд бўлишлари, шу билан бирга чет тилларни кунт билан ўрганиши уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига фақат ёрдам беради.

Ўзбекистон таълим тизимидаги ўзгаришлардан беҳабар айрим кишиларда агар ўзбек ўғил-қизлари лотин ёзувиге асосланган янги ўзбек алифбосида таълим олаётган бўлсалар, унда рус тилида таълим оладиган ўқувчилар қайси алифбода ўқийди, қабилдаги саволлар туғилиши мумкин.

Авалло, шунга алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунда ёзиб қўйилгандек, "Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди. Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади".

Давлат умумий ўрта маълумот олишни давлат тилида, шуниингдек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман тилида ва республикада зич яшовчи бошқа миллатларнинг тилларида олиб борилишини таъминлайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудидаги таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблардаги "Ўзбек тили" фани бўйича қатор дастурлар яратилди. Чунончи, таълим қирғиз ва туркман, тожик, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар учун "ўзбек тили ва адабиётдан дастур"лар яратилди.

Биз кўп миллатли мамлакатда яшаймиз. Ҳаммамиз учун ягона мақсад — Ватанимиз тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлиги, туғилиб ўсган, киндик

қонимиз тўкилган шу заминни обод қилиш йўлида меҳнат қиламиз. Мамлакатимиз тарихи, буюк аждодлар яратиб қолдирган илмий, маънавий мерос ва қадриятларни, ўзбек тилини мукамал ўрганиш, эъзозлаш барча фуқаролар учун фарздор. Шу боис, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ўқувчиларининг ўзбек тилини ўрганишларига ҳам алоҳида эътибор берилган. 1997-98 ўқув йилидан таълим бошқа тилларда, шу жумладан, рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўқувчилари иккинчи синфдан бошлаб "Ўзбек тили" дарси орқали янги ўзбек алифбосини ҳамда давлат тилини пухта ўрганмоқдалар. Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 210-мактабда бўлганимизда бунинг яна бир қарра гувоҳи бўлдик.

Айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро учун ўзбек тилини билиш аввало, ҳаётий зарурат, фуқаролик бурчи, қолаверса, унинг ўзи туғилиб ўсган муқаддас заминга, унинг кўҳна ва улугвор тарихи, маданияти, бой илмий ва маънавий меросига бўлган ҳурмати, чексиз эҳтиромини англайди.

Энди бевосита айрим "мутахассис"ларнинг ўзбекларнинг фарзандлари эндиликда ривожланган чет эл мамлакатларда хорижий тилларда, жумладан, кўпроқ инглиз тилида таълим олмақда, мамлакатда рус тилига нисбатан инглиз тилининг мавқеи ортиб бормоқда, деган фикрлари атрофида ҳам бир оз мулоҳаза юришиб кўрсак.

Тил билган — эл билади, дейди халқимиз. У ёки бу тилни ўрганиш ихтиёрий. Ҳеч кимга мажбурий равишда тилни ўргатиб бўлмайди. Ўқув режаларида ҳар иккала тилни ўрганишга ажратилган соатлар деярли тенг. Давр эҳтиёжи ва талабига кўра, ўқувчи-ёшларимиз нафақат инглиз, балки француз, немис, ҳинд, араб, хитой ва бошқа ўнлаб тилларни иштиёқ билан ўрганаётган экан, ҳукуматимиз томонидан тил ўрганишга барча шароитлар яратилаётган экан, бунга ижобий ҳодиса сифатида қараш ва фақат олқишлаш керак. Собиқ иттифок даврида ҳам кўплаб ўзбекистонлик ёшлар Россия, Украина ва бошқа республикаларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олганлар. Тошкентда ҳам нафақат қўшни республикалар, балки бир қатор хорижий мамлакатлар ёшлари таълим олган ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Давлатимиз ҳурликка эришгандан кейин эса дунёга йўл очилди. Агар бугун ёшларимиз "Умид" жамғармаси орқали дунёнинг Америка Қўшма Штатлари, Германия, Япония, Франция, Италия, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртларида таълим олаётган, ўнлаб мамлакатларда малака ошириб, дунё тилларини мукамал ўрганаётган бўлса, бунинг нимаси ёмон?!

Энди ўзбеклар ҳаётига инглиз сўзлари, атамалари кириб келаётганига келсак, эслийлик, ўтган давр мобайнида рус тили орқали тилимизга қанча техник сўзлар, атамалар кириб келганди. Эндиликда эса, бозор иқтисодиёти туфайли тилимизга акция, лизинг, аудит, инвестиция, бартер, бизнес, биржа, сертификат, менежер, менежмент, дивидент каби атама ва терминлар кириб келиб, кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланил-япти. Назаримда, бу билан нафақат ўзбек тили, балки мамлакатимиздаги бирорта миллат тили камситилиб қолаётгани йўқ.

Албатта, маърифат, илм ҳар бир инсондан тинимсиз меҳнат, изланишни талаб қилади. Бугун мамлакат истиқболини, ёшларимиз камолтини ўйлаб ташланаётган ҳар бир қадам вақти келиб, шубҳасиз, ўзининг аниқ самарасини беради.

АЖДОДЛАР ОЛДИДАГИ БУРЧ

Академик Ботурхон Валихўжаев ўз аждодларимиз яратган таълим тизими тарихига ҳолислик билан теран назар солибди. Мадраса олий таълим ўчоғи сифатида дастлаб Шарқда, ҳали университетлар Фарбда юзага келмасдан илгари воқеликка айланганини, иккала ҳолатда ҳам бошда диний йўналишдаги таълим масканлари (масжид хузуридаги мактаб ва семинариалардан) ўсиб, шаклланиганини тўғри исботлаб берган. У мусулмон олами таълим тизими тарихини текширган Адам Метснинг илк мадраса Нишопурда пайдо бўлган деган фикрининг асоссизлигини, Абубакр Наршахий маълумотида таяниб рад этаркан, ислом дунёсидаги дастлабки мадрасалар VIII аср ўрталаридаёқ Бухорода юзага келганлигини, 937 йилдаги ёнғинда талафот кўрган мадрасаи Форжак мисолида таъкидлайди.

Шуниси қувончлики, айни замонда мусулмон дунёсининг қадимий нуфузли олий даргоҳлари саналиб, 972 йилда очилган Қохирадаги ал-Азхар ва 1085 йили Бағдодда иш бошлаган Низомул мулк мадрасалари ҳам, қолаверса, Эронун Ироқ, Сурия, Кичик Осиё, Миср ва бошқа ўлкалардаги шу хилдаги олий мусулмон мактаблари ҳам Бухородаги Форжак мадрасасидан кейин бунёд этилганини академик В.В.Бартольд аниқлаган.

В.Валихўжаевнинг эътирофича, ўтмишда мадрасалар бошланғич, ўрта махсус ва олий таълим масканлари тарзида уч босқичли бўлишдан ташқари, кишилик билимларининг турли соҳалари бўйича мутахассисликлар тай-

Aks-sado

ёрлашга мўлжалланган ҳолда фаолият кўрсатишган. Айтайлик, Амир Темур набираси Муҳаммад Султон қурдирган мадрасада давлат маҳкамаларида ишловчи амалдорлар тайёрланган бўлса, "мадрасатун-харбия"ларда бўлғуси ҳарбу зарб соҳиблари, "мадрасатун санъи"да техника муҳандислар, "мадрасат ул тиб"да табиб ва ҳақимлар тайёрланган. Бинобарин, Бухорода 1088 йилдан 1877 йилгача фаолият кўрсатган Фарбия мадрасаси, XIII асрда Масъудбек томонидан қурдирилган ва ҳар бирида 1000 нафардан толиби илм сабоқ олган Хония ва Масъудия мадрасалари, Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган Бухоро (1417) ва Ғиждувондаги (1433) мадрасалар, 1535 йилда ишга туширилган ва ислом оламида ҳозиргача ўз нуфузини йўқотмаган Мир Араб, шунингдек, Абдуллоҳон, Субҳонқулихон, Нодир девонбег, Кўкалдош мадрасалари нафақат Туркистон учун, балки бутун ислом олами учун ҳам хилма-хил соҳаларда, турли даражадаги мутахассисларни тайёрлаб берган. Булар орасида, айниқса, Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида ўқиш алоҳида эътибор қозониш шартига айланган.

Шуниси ачинарлики, собиқ тоталитар тузум ва унинг мафкураси қадим Туркистонда таълим тизимининг шарқона ва исломий аъаналар асосида шаклланишини, бунда мадрасаларнинг ҳар учала босқичи ҳам, айниқса, ўз замонасининг олий маълумотли малакали мутахассислар билан бир қаторда фан, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларида ҳам етук истеъодларни вояга етказишда айрича хизмат қилганлигини тан олишни сира эп кўрмади. Чунки бу унга Туркистон аҳолисининг 99 фоизини "саводсиз"га чиқариб, ўзининг "маданийлаштириш" сиёсатини бўрттириб ташвиқот юргизишга ҳалал берарди. Бу ўзга халқлар яратган миллий маънавий қадриятларга беписандлик билан қарашдан иборат нохуш сиёсат эди, албатта.

Аждодларимиз истеъдоди ва ақлу заковати билан бунёд этилган оламшумул қимматга эга қадриятларимиздан саналувчи мадрасай олияларни шарқона университетлар мақомида кўрмоқ вақти етди. Шундай экан, нафақат Самарқанд Давлат университетини Мирзо Улуғбек мадрасаси олияси вориси санаб, унинг тарихини бу мадрасаи олия таъсис этилган 1420 йилдан бошлаш, балки бошқа қадимий шаҳарларимиздаги университетлар тарихини ҳам улар вориси бўлган мадрасаи олиялар бунёд этилган тарихий сана асосида белгилаб ҳисобга олмоқ аждодлар руҳи олдидаги бурчимиздир! Шундай қилингандагина, тарихий ҳақиқатни тиклаш йўлидаги адолат қарор топган бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

Охунжон САФАРОВ,
БухДУ фольклор ва янги ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор,
Раҳим ВОҲИДОВ,
тасаввуф ва ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор,
Мэлс МАҲМУДОВ,
педагогика ва жисмоний маданият факультети декани, фалсафа фанлари доктори

Қишлоқда бу воқеа катта шов-шув бўлиб кетди. Охири қишлоқ номи, Хувайдонинг "Чим ён, чим ён" сўзи ўзаро қўшилган ҳолда, "Чимён" номи билан боғланиб қолди.

Бу ёруғ дунёга кимлар келиб, кимлар кетмаган! Кетганлар орасидаги алломалар, улуғ зотлар ҳаммаша халқ хотирасида яшайди, номлари эътибор билан доимо тилга олиб турилади. Шундай азизларимиздан бири мумтоз шеърятимизнинг йирик вакили Хувайдодир. Биз шу улуғ инсон ҳақида халқ тилида дoston бўлиб келаётган ривоятлару хотиралару таяниб, шоир ҳаёти, аждодлар ва бугунги кунда унинг номи, асарлари қадр топаётгани ҳақида сўз юритишга жазм этдик.

Фарғона туманида Чимён деган сўлим ва дилбар қишлоқ бор. Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди аллома Хувайдо ана шу ерда яшаб ўтган. Бу табаррук инсон қабри Чимён қишлоғининг қоқ беллида жойлашган. Макбара, қабр. Янги макбара қад ростлапти. Эскисининг пештоқидаги ёзув — Хувайдо ғазалидан:

**Хувайдонинг мазорига
бориб ёрни, томоша қил,
Унибдир лолаю ҳасрат,
ҳазон бўлмас
бахорим бор.**

Зеро, улуғ алломанинг ўз мазори, ҳазон бўлмас баҳори борлигига тан бермай илож йўқ. Аслида буну у тириклигида башорат қилгани эса ҳайратга солади кишини.

Ҳамроҳимиз—Хувайдонинг олтинчи авлоди бўлган Ўлмас махсум Муҳимов вазмиллик билан гап бошлади:

—Отам Муқимиддин махсум Охунжон ўғлининг (жойлари жаннатда бўлсин) олдиларига кириб, бобомиз мазорини яхшиласам, деган қатъий фикрим борлигини айтдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, отам дарҳол икки қўлини очиб, мени дуо қилиб, юзига фотиҳа тортиди: "Энг савобли иш. Бобонинг руҳлари шод бўлади. У дунё-бу дунё сендан рози бўладилар", деб насиҳат қилдилар. Сўнг ишга киришдик. Халқ қараб турмади. Кўпчилик меҳнати билан шундай савобли ишнинг урдасидан чиқдик. У шундай дея Куръон тиловат қила бошлади...

Биргина Чимён қишлоғида ўндан ортиқ мазор бор. Мазорларнинг номланишининг ўзи бир тарих, воқеалик.

—Кўпинча бу номлар бузиб ёки тушунмасдан айтилади, — дейди имом-хатиб Муҳаммад-мусо Тўхтасинов. —Мисол учун, Хўроз ота эмас, Хоразм ота мазори, Оқтилла бува эмас, Оқ тўнли бува мазори. Шунингдек, Чимёнда Сўх мазор, Сардорбува мазор, Ғариблар мазори, Кўк тўнли ота мазори, Қирқинчи чилтон мазори... Энг каттаси ва машҳури Хувайдо ота мазоридир.

Жума номози "Хувайдо сирли" масжидида ўқилади. Масжид қурилишида Муҳаммадмусо Тўхтасинов, Ўлмасмахсум Муқимов, Ҳамроқул ота Суярқулов... кўплар фидойилик кўрсатишган. Намоздан сўнг бу ерда Хувайдохонлик бошланади.

Айтишларича, Хўжаназар Ғойибназар узоқ йиллар фарзанд кўрмаган. Бир кун у иккинчи бор Оффокхўжа эшон дада авлиё олдига бориб юракдаги ҳасратини очибди:

—Менга Оллох таолодан бир фарзанд тилаб берсангиз.

—Бўпти, бўпти...

Шу-шу Хўжамназар Ғойибназар 12 йил устозиникида қолиб кетибди. Ниҳоят устоз ва унинг турмуш ўртоғи бир кунда бир хил туш кўришибди. Аён бўлишча, Оллох таоло Ғойибназарга фарзанд ато этармиш. Устоз шогирдини чақириб, шундай дебдилар:

—Сиз фарзанд кўрасиз, кўрасиз-у, аммо унинг фойда-

“ВАТАН ЯГОНАДУР, ВАТАН БИТТАДИР” ТАНЛОВИГА

сини кўрмайсиз. Фарзандингиз аллома бир девонасифат, Оллохнинг ошиғи бўлади, Тангрининг ишқи билан яшайди.

Вақт ўтиши билан Хўжамназар Ғойибназар фарзанд кўрган экан. У—Хувайдо Чимёний (1704-1780) бўлган.

Шоир ҳаёти билан боғлиқ хотираларда яна шундай бир воқеа ҳикоя қилинади.

Хувайдо қишлоқма-қишлоқ кезиб-кезиб келгач, беихтиёр отаси Хўжамназар Ғойибназар йўлиқди:

—Ҳа, келдиларми?—дейди ота.

Устидаги бўз ятакни қўли билан ғижимлаган Хувайдо ерга тикилганча туриб қолди. Юзи қизарди. Отаси ёнига келиб, қўли билан Хувайдонинг орқасига бир-икки аста уриб, сўнг мурдаюга кўчди.

—Ҳечқиси йўқ, ўғлим. Илҳом тўплаб келган бўлсангиз, янги ғазаллар ёзаверасиз...Кўриқдаги ўзингиз ўзлаштирган ерга буғдой экиб қўйсангиз, ёмон бўлмайди. Дон—нон эканлигини яхши биласиз, ўғлим.

Хувайдо кетмон, буғдой ҳамда чойдишни олиб, кўриққа жўнади.

кидлаб ўтганидек, мингдонликларнинг бир дони минг дон бўлиб кетди. Хозирнинг ўзида Мингдон қишлоғида йигирма мингдан зиёд аҳоли яшамоқда.

Хувайдо авлодлари борки, ижодкор, юксак қобилият, талант ва истеъдод соҳиби. Унинг шарасидаги бир зот йўқки, қўлига қалам тутмаган бўлса.

Шоир Сирожий, шоир Салоҳий, Самар Бону... Муқимиддин махсум Охунжон (тахаллуси Ҳокий) 1900 йили Чимёнда туғилиб, 1978 йили вафот этган. Унинг умр йўлдоши Муниҳон Тешажон қизи ҳам, унинг онаси Бахринисо Салоҳий ҳам ижодкор бўлганлар. Хувайдо авлодларидан Шамси Бону Холбой қизи (1902-1989) ғазаллари эл оғзига тушган. Ҳофизларимиз жўшиб куйлайдиган "То етим бўлмай киши, билмас атонинг қадрини..." сатри билан бошланадиган ғазални ким ёзганини кўпчилик билмас керак. Унинг муаллифи Шамси Бонудир.

Хувайдонинг издошлари ҳам кўп бўлган. Унинг Мавлоно Носе деган талантли шогирди бўлиб, устоз вафотидан кейин унга бағишлаб марсиялар ёзган. Умрзоқ Абдували ўғли Шухратий

ҳам қиламан.

Қизик, Ҳаёт тасодифларга бой. Саксонинчи йилларда қувалик меъмор Анвархон Хувайдо бюстини ишлаган. У бу бюстни Чимёнга олиб келиб, унинг авлодларига кўрсатади. Бюст кўпчиликка ёқади. Ваҳоланки, бу бюст, яъни Хувайдо сурати, сиймоси унинг ғазалларидаги маъно-мазмундан, ташбех, оҳанг ҳамда авлодлари кўринишларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган. Аслида ҳам шундай бўлиши табиий.

Яна бир гап. Фарғона тумани "Маънавият ва маърифат" бўлими ҳамда "Олтин мерос" жамғармаси туман бўлими ҳамкорликда шоир Хувайдо музейини барпо этишди. Хайрли, эзгу иш!

"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси туман бўлими ходимлари Таваққалжон Сўфиев, Хуморахон Мўйдиновалар шоир Хувайдо портретларини ўта маҳорат, синчковлик ва жиддийлик билан яратишди. Қисқаси, музей шоир бистоти билан тобора бойиб бораётти. Музей раҳбари Акбарали Мадазимов Хувайдонинг ихлосмандигина бўлиб қолмай, узоқ авлодларидан ҳисобланади. У музейни музей қилгунча тиниб-тиничмади, роса елиб, югурди. Охири мурдаюга етди-да!

У Хувайдо ғазалларини ёд билади. Айниқса, унинг авлодлари ижодидан ҳам хабардор. Жумладан, Самад Бонунинг қуйидаги сатрларини юракдан ҳис қилади:

**Бузар машҳадни Бону
Кичкиривда доди бедод.**
Шоирнинг яна бир чинакам мухлиси, тахаллуси Ҳокий бўлган Хувайдонинг чевараси Муқимиддин Махсумовнинг фарзанди Ўлмас ака. Ўлмас аканинг адабиётга, шеърятга ошнолиги таърифга сизмайди. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, унинг жонию жисмида Хувайдо қони, туйғуси гупиради. Кўп ғазал ва шеърлар битган. Энг ажабланидиган ҳолат шуки, у шеърларининг ҳаммасини ёддан айтиб беради.

Хувайдо мактаб ва хонақоҳда дарс берган, ўз замонанинг етук файласуф шоири бўлган. У XVIII аср ўзбек адабиёти ва тасавуф фалсафасининг таниқли вақилларидан биридир. Хувайдонинг ижодий мероси XX аср бошларида Фарбий Европа олимларининг эътиборини тортади. Бу забардаст мутафаккир шоирнинг ижодига бўлган қизиқишининг илк самараси сифатида немис шарқшуноси Мартен Хартманнинг немис тилида "Хувайдонинг чигатойча девони" Берлинда 1902 йили босилиб чиққан. Рус шарқшуноси М.Ф.Гавриловнинг "Ўрта осийлик шоир" деган асари эса 1927 йили чоп этилган.

Академик Воҳид Зоҳидов ва Суйима Ғаниева томонидан нашр этилган Хувайдонинг 72 ғазал, 11 рубоидан иборат "Танланган асарлар"и 1961 йили хўжрон мафкура тазйиқи остига олинган эди. Холбуки, Хувайдонинг адабий-фалсафий асарлари икки ярим асрдан бери халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлиб келяпти.

Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллигимизнинг раҳнамоси бўлди. Миллий урф-одатлар, қадриятлар, эркинлик, озодлик, ҳуррият ўзимизники бўлди. Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Мотуридий, Ал-Фарғоний, Амир Темур, Бурхонуддин Марғинович сингари улуғларимиз мероси халқимизга қайтди, номлари эъзоз-эътибор топди. Хувайдо ҳам шулар қатори бир аллома, маърифатли инсон сифатида тобора халқимиз ҳурматию, эътиборига ва эъзозига сазовор бўлиб бормоқда.

**Хайдарали УЗОҚОВ,
Собир ДАДАХЎЖАЕВ**

ХУВАЙДОНИНГ ҲАЗОН БЎЛМАС БАҲОРИ

Бепоен қир-адирликлар... Дўппидек келадиган қишлоқда кузакнинг шамоли елади. Хувайдо баланд қирлар бағрига чўк тушиб, қишлоқларни томоша қилди. Сўнг пешонасига оқ дурра танғиб, иш бошлади. Ер бетидаги катта тошларни териб, четга отди. У ерга буғдойни ихло билан сегди. Сўнг эгат олди. Чанқоғини босиб мақсадида чойдишга сув тўлдириб, тошлардан ўчоқча ясади. Янтоқ, шувокларни териб келиб, чойдиш остидан ўт қалади ва яна ишига уннаб кетди. Бир зумда эгатларни олиб бўлди. Кейин сув тарай бошлади. Сув жарлаб кетмаслиги учун чим ўйиб, эгат бошига босди.

Шу пайт Хувайдонинг икки ўртоғи келиб қолди. Чойни бирга ичиш мақсадида Хувайдо қанча уринмасин, ўчоқдаги ўт яхши ёнмади. Чунки ёққудек ўтин йўқ эди. У ноилоҳ қолди. Бирдан бўғилганча ўзи ўйган битта чимни олиб, ўчоққа ташлаб деди:

—Эй, чим, ён, чим ён!

Тангрининг вожибими ё фалакнинг гардиши биланми чим ёниб кетди. Буни кузатиб турган ўртоқлари донг қотиб қолишди... Бир зумда чойдишдаги сув қайнади.

Қишлоқда бу воқеа катта шов-шув бўлиб кетди, Охири қишлоқ номи, Хувайдонинг "Чим ён, чим ён" сўзи ўзаро қўшилган ҳолда, "Чимён" номи билан боғланиб қолди.

Аслида ўша чимда нефт қазилмалари мавжуд эканлиги кейин аниқланди. "Қора олтин" булоқлари кўз очдики, бу ҳозир ҳам бирдай отилиб туради...

Мингдон қишлоғига ҳам Хувайдо ҳазратлари ном берган эканлар. Аслида одамлар қишлоқ хўжалиги, хусусан, деҳқончилик билан шуғулланишларини ҳисобга олган ҳолда, улуғ зот: "Бир донинг минг дон бўлсин", деб юксак мақсадни вожиб этган эканлар. Улуғ аллома таъ-

Bu gal gazetxonlar e'tiboriga havola qilmoqchi bo'lgan shoirimiz yapon shoiri—Isikava Takubokudir. Takuboku maxsus bolalar shoiri emas. Ammo uning yozganlarini bolalar, ayniqsa, o'smir bolalar katta mehr bilan o'qib, o'rganadilar.

Kitobchalarini cho'ntaklarida olib yuradilar. Yapon tadqiqotchilarining aytishicha, o'smirlar xatlarida ko'proq uning she'rlaridan parcha keltiradilar. Davralarda ham ko'proq she'rlari o'qiladi. Buning sababini aniqlash qiyin emas. O'smirlik hamma narsaga qiziquvchanlikning boshlanishi. O'smir yuragida g'alati bir tuyg'ular uyg'onadi. Ammo ba'zan o'zi bu tuyg'ularning nima ekanini aytib bera olmaydi, ularga ism qo'ya olmaydi. Isikava Takuboku she'riyatida ana shu tuyg'ularning, holatlarning, kayfiyatlarining ismi bor.

Isikava Takuboku she'rlari o'zbek o'quvchisi o'qib, o'rganib kelayotgan she'rlardan biroz boshqacharoq. Bu boshqachalikni nimalarda ko'ramiz? Avvalo, ohanglarda. Shaklda. Ular xuddi kayfiyat,



qishlog'iga yaqin Marioka tog'liq qasabasida savodini chiqargan. So'ng Tokioga kelgan. Bu paytda yapon adabiyotida beshliklar (tanka), uchliklar (xayku) yozish rasmga kirayotgan edi. Takuboku poytaxtda adabiy muhit ichiga kirdi. O'zi ham yoza boshladi. Ilk she'rlari "Tong yulduzlari" deb nomlangan jurnalda chop etildi.

Samimiyatdanmi, tuyg'ulari juda yurakka yaqinligidanmi, uni Tokioning adabiy muhiti yaxshi qabul qildi. 1905 yil "Intilish" nomli she'riy to'plami chop etildi. Takuboku o'qishdan so'ng o'z qishlog'i maktabida bolalarga dars bera boshladi. U sinfga kirib darsini "o'qitdimmi, o'qitdim" qilib chiqib ketadigan oddiy o'rgatuvchi emas edi. U she'rlar o'qir, dunyodagi, tarixdagi voqealardan gapirib, bolalarni hayotga ochiq ko'z bilan qarashga chaqirardi. Bolalar ustoz boshchiligidagi "Kurash qo'shig'ini jo'r bo'lib kuylar edilar (bizning o'quvchilar Hamzaning qo'shig'ini aytganday). O'quvchilarda qishloqdagi mavjud haqsizlikka qarshi

SHE'RLARIDA TUYG'U ISMI BOR

tuyg'ularning suvratiga o'xshaydi. Xuddi ularni kaftga olib ko'rsa bo'ladiganday tuyuladi. Ularning rangi, nuri ham bordek ko'rinadi. Haroratini ham sezamiz. Ammo bu yapon shoirining she'rlarining shakli boshqacha bo'lgani bilan ular bizdan butunlay uzoqdagi bir hissiyotlar suvrati ham emas. Ular biz sezib, qalbimizda his qilib yurgan hissiyotlar. Ranglar, tuyg'ular quyuligi bizga shakldagi begonalikni sezdirmaydi. She'rni xuddi o'zimizning juda tartibli, qofiyali she'rlarimizday qabul qilamiz.

Isikava Takuboku bu yorug' olamda bor-yo'g'i 27 yil umr ko'rgan. Ammo juda ko'plab she'rlar, publisistik, nasriy asarlar yozib qoldirishga ulgurgan. U 1885 yili Yaponiyaning shimoli-sharqiy orollaridan biri Xonsyuning Sibutami qishlog'ida oddiy oilada

tug'ilgan. U ota-onasining orziqib kutgan farzandi bo'lgani uchun ismi Xadzims bo'lgan. Bu bizning tilimizda "to'ng'ich" ma'nosiga to'g'ri keladi. Takuboku uning adabiy taxallusidir. Shoirni bolaligida ota-onalari juda sevishgan, erkalatishgan. U tog'lar bilan o'ralgan, suvloqlari ko'p, yashil yaylovlarga boy go'zal qishloqda ulg'aygan va qishlog'ining barcha go'zalliklari yuragiga o'rnatilib qolgan.

Shoirning bolaligi o'tgan qishloqda tirikchilik, hayot og'ir bo'lgan. Dehqonlar qiyinchilik bilan yetishtirgan hosilini hokimiyat vakillari arzon-garovga tortib olib, yo'qsillik natijasida hukmdorlardan qo'rqib kun kechirganlar.

Hamqishloqlarining og'ir hayoti ham yosh shoirning ko'zidan ko'ngliga o'tib, muhrlanib qolgan. Takuboku

kurash tuyg'usini uyg'ota boshlagani uchun, shoirni o'z ona qishlog'idan boshqa olis qishloqqa badarg'a qildilar. Keyin u Yaponiyaning turli joylarida yashadi, jurnalistika sohasida ishladi. 1910 yilda hanuzgacha yapon she'riyati faxri hisoblanadigan "Qum uyumlari" kitobi chop etildi. "Qayg'uli o'yinchoq", "Churilla, hushtak" kitobchalari esa o'limidan so'ng nashr qilindi.

U sil kasalligidan 1912 yilda vafot etdi. Qisqagina umrida o'z xalqiga, ayniqsa, o'smirlarga o'ychan, fikrli she'rlarini meros qoldirdi. Uning she'rlarida nafas olib turgan jonli hayot suvratlari bor.

Miraziz A'ZAM

Isikava TAKUBOKU

KUZGI SHAMOLLARNING ERKIN KUYLARI

1
Tepalikka chiqdim
Yuragim uvishganda.
Bir mahal atrofga qarasam:
Bir gala qushchalar cho'qib yotibdi
Maymunjonning qizil mevalarini.

2
Kuzning ajib bir chorrahasi.
Shamol keldi birdan va
Bir vaqtning o'zida
Uch tarafga taralib ketdi,
Olis-olislarda g'oyib
bo'ldi ko'zdan.

3
Kuz ovozi.
Avval
Ko'rinmasdan
Quloqqa shipshir...
Yoqimsiz odat.

4
Bilmayman,
Yig'lashni ham unutmam qachon,
Nahotki bir inson mening
ko'nglimni

5
Yumshata olmasa,
Ko'zyosh to'kizib?

6
Kuzgi osmon bo'm-bo'sh
Boshdan to'yoq...
Ko'rinmaydi unda bironta soya.
Naqadar yolg'izsan, yolg'izsan,
osmon,
Kela qolsa edi loqaq qarg'a!

7
Yomg'irdan keyin
Oy.
Tomlarning hali ho'l
Sopollari
Miltillaydi ma'yus nur tarab.

8
Men och qolgan kunim bir mahal
Oldimga dumini o'ynatib
Och bir it keldi,
Tumshug'in ko'tarib menga qaradi,
Biroz yengil tortdim.

8
O, qaniydi
Shu kuz tunining
Po'lat tusli sovuq osmoniga
Olov nafas purkasaydi
Tog'.

9
Suvning sharillashin eshitsam
Shunday yayraymanki...
Xuddi allaqachon
Unutgan do'stimni
Yana birdan uchratib qolganday.

10
Menday bir bevatan o'g'il uchun
Kuz xuddi otaday
Qattiqqo'l...
Kuz xuddi onaday
Mehribon.

11
Ivate tog'ini sog'indim.
Shu tobda Ivate tog'ining
Quyilari, etaklarida
Uch tomonda birdan
Chirildoqlar chir-chir qilayotgandir.

12
Bo'tako'z...
Naqadar
Ma'noli bu nom.
Menga yuboribdi
Indamas bir qiz.

13
Yengil chirik hidi
Anqir o'rmonda,
Qo'ziqorin isiga
O'xshab ketar sal...
Kech kuz yaqinlashdi.

14
O'rmonlar ustida
Yomg'ir shitirlaganday bo'ldi—
Ha ana maymunlar o'tishdi.
Muncha ham odamlarga
O'xshashmasa ular.

15
Dastavval o'rmonlar bor edi—
Hamma yoq o'rmon edi.
Olovni
O'rmonlarda asrashardi
Yarim xudolar.

16
To'lganoy nuri-yu
Mening sog'inchim

17
Yer bilan osmonni ko'mib yubordi
va aylanib qoldi
Kuz kechasiga.

18
Ma'yus-ma'yus tovushlar
Hassoslik ila tushmoqda tinchlik
qo'yniga.
Yer yuzidan ularni bir-bir
Terib olmoqchiday bir o'zim
Aylanib yuribman dalada.

19
Charchagan sayyohlar
Uylariga qaytib
Uyquga ketganday o'lan to'shagida
Shu qadar bemalol, shu qadar sokin
Kirib keldi qish.

MEN HECH VAQT UNUTMASMAN ULARNI

1
Shimoliy qirg'oqda
Alp to'lqinlarning
Shiddatidan nafas olgan shamollar
Barxanlar ustidan uchib o'tmoqda...
Bu yil ham gullarmikin na'matak?

2
Yoshimni sanadim...
Barmog'imga boqsam,
Hali hech qancha yashamabman.
Uzoq-uzoqlarga
Ketgim keldi birdam.

3
Yarador qalb haqida yozgan
she'rimni
Ko'zlarini yumib ko'pincha
O'zimga o'qib berardi u.
Uning menga yozgan xatlarida
Hatto hazili ham g'amgin bo'lardi.

4
Kemamiz chayqalib-chayqalib ketdi.
Dugeru dengizin eslashim bilan
Xayolimga keldi singlimning ko'zlari.
Hali-hali ketmas xayolimdan
Shu qadar mayin, mehribon ko'zlar.

5
Bir-birin quvardi
Oppoq to'lqinlar
Xakodatga yaqin Omori bo'yida
Shiddat bilan urilmoqda qirg'oqqa.
Dengizni takrorlard mening
o'ylarim ham.

6
"Men kichkina odamman"
degandek,
"Eng kichkina"—
Tog'lar orasiga cho'kib ketdi
Mening aziz do'stim.
Qalbi valiyardek go'zal do'stim.

7
Otaru ko'chasi
Hamma vaqt noxush.
Yo'q. bu odamlar kuylamagan
hech vaqt.

8
Ovozlari ularning
Shu qadar dag'al.

9
Ey voh!
Qoshlari qop-qora shu bolani
"Uka!" degan edim,
U menga qarab
Lablarini qimtib ishshayib qo'ydi.

10
Do'stimni
Dushmanmay yomon ko'rib qoldim.
Ammo ajralishuv payti kelganda
Qo'llarini siqdim
Uzoq-uzoq.

11
Quturadi quyun,
Uning ortidan
O'rmonlarni burkab
Quruq qor
Raqsqa tushib o'tib boradi.

12
Oq qorlar ostiga ko'mildi
Sorati daryosi.
Hatto qushlar tashlanmas ko'zga.
Faqat huvillagan o'rmonli qirg'oqda
Tippa-tik turibdi qandaydir
bir odam.

13
Odamlar unutgan shu o'lkada
Do'stlashib, yovlashib
Yolg'izlik bilan
Qorlar orasida odamlar
Uzoq-uzoq asriy umr kechirarlar.

14
Yosh navbatchi bekatning nomini
E'lon qildi,
Qo'shiq aytganday.
Uning yoqimli qarashlarini
Hali hanuz unutmamman.

Miraziz A'ZAM
tarjimalari

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТЕСТ ЯКУНЛАРИ

Самарқанд вилояти илм-маърифат масканлари салмоғи борасида Тошкентдан сўнг иккинчи ўринда туради. Вилоятда 6 та олий ўқув юрти мавжуд. 2000 йилги қабул тестидан вилоятдан республиканинг олий ўқув юртиларига 16606 нафар абитуриентдан ариза тушиб, улардан 1725 нафари давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинган.

Абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги 1997 йилда 47.46 фоизни ташкил этиб, 1998 йилда **DTM tahlili** 3-ўринга, 43.10 фоизни ташкил этиб, 2-ўринга ва 1999 йилда 37.68 фоизни ташкил этиб, 4-ўринга, 2000 йилда 38.22 фоизни ташкил этиб, 4-ўринга тўғри келади. Жавоблар самарадорлиги абитуриентларнинг умумий контингентига нисбатан олинса вилоят 3-ўринни эгаллаган.

Фанлар бўйича тест натижалари 1999 йилга таққосланганда 6 фандан пасайиш (ўзбек тили ва адабиёти, физика, кимё, география, немис ва француз тиллари), тарих ва биология фанларидан ўсиш кузатишган. Буни куйидаги 1-жадвалдан аниқ кўриш мумкин.

Самарқанд вилояти абитуриентларининг
фанлар бўйича
жавоблар самарадорлиги (ўзбек гуруҳлари).

1-жадвал

Фанноми	1999		2000		
	Самар.	Ўрин	Самар.	Ўрин	
Она тили ва адабиёти	33.56	3	29.42	5	Камайган
Математика	36.70	5	36.76	5	Ўзгармаган
Физика	30.92	5	29.08	6	Камайган
Биология	41.33	5	37.02	3	Ўсган
Химия	37.95	7	32.32	8	Камайган
Тарих	40.91	5	33.31	4	Ўсган
География	45.37	4	40.70	7	Камайган
Инглиз тили	39.17	5	36.94	5	Ўзгармаган
Немис тили	33.18	2	31.35	4	Камайган
Француз тили	37.68	2	33.43	4	Камайган

2000 йилги тест натижаларига асосланган ҳолда вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманларининг фанлар бўйича рейтинг кўрсаткичи ўрганиб чиқилди ва умумлаштирилди. Натижа куйидаги 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал.

Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларининг
рейтинги (ўзбек гуруҳлари)

1	Булунғур шаҳри	43.99
2	Каттақўрғон шаҳри	37.88
3	Иштихон шаҳри	36.68
4	Оқтош шаҳри	35.88
5	Нуробод тумани	33.82
6	Каттақўрғон тумани	33.68
7	Тойлоқ тумани	33.56
8	Самарқанд шаҳри	33.05
9	Нарпай тумани	33.00
10	Кўшрабт тумани	32.90
11	Оқдарё тумани	32.62
12	Челақ тумани	32.40
13	Иштихон тумани	32.06
14	Жомбой тумани	31.81
15	Пойариқ тумани	31.78
16	Булунғур тумани	31.70
17	Ўзгалкент тумани	31.68
18	Паст-Дарғом тумани	31.61
19	Самарқанд тумани	30.67
20	Ургут шаҳри	30.56
21	Ургут тумани	30.42
22	Жума шаҳри	29.94
23	Пахтачи тумани	29.89

Вилоятнинг тест имтиҳонидан энг юқори кўрсаткичга эришган туманлари республиканинг энг илғор туманларига таққосланганда шу нарса маълум бўлдики, Каттақўрғон шаҳри биология ва кимё фанларидан республикада энг юқори кўрсаткичга эришган. Бошқа фанлардан вилоят туманлари илғор туманларга яқинлашган. Фақат физика ва географиядан илғор туманлардан анча орқада эканлиги кўринади. Вилоятнинг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлари ҳақидаги маълумот куйидаги 3-жадвалда берилган:

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	шаҳар, туман	Қатн. сони	Самарадор.	Вилоят номи	шаҳар, туман	Қатн. сони	Самарадор.
Ўзбек тили ва адабиёти	Каттақўрғон шаҳри	110	33.96	Қашқадарё вил.	Шаҳрисабз шаҳри	154	35.95
Математика	Самарқанд шаҳри	546	44.43	Бухоро вил.	Галаасиё шаҳри	22	48.86

Физика	Кўшрабт тумани	260	33.71	Хоразм вил.	Хазорасп тум.	70	40.20
Биология	Каттақўрғон шаҳри	19	48.54	Самарқанд вил.	Каттақўрғон шаҳри	19	48.54
Химия	Каттақўрғон шаҳри	21	48.15	Самарқанд вил.	Каттақўрғон шаҳри	21	48.15
Тарих	Каттақўрғон шаҳри	33	40.40	Сурхондарё вил.	Денов шаҳри	20	43.19
География	Оқдарё тумани	22	43.69	Бухоро вил.	Жондор тум.	31	55.20
Инглиз тили	Каттақўрғон шаҳри	43	49.55	Бухоро вил.	Когон шаҳри	40	53.75
Немис тили	Самарқанд шаҳри	65	39.06	Жиззах вил.	Фориш тум.	37	43.32
Француз тили	Булунғур тумани	143	41.47	Бухоро вил.	Ромитан тум.	34	48.69

Вилоятнинг тестда паст кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари аниқланганда Каттақўрғон шаҳрининг ўзбек тили ва адабиёти бўйича энг паст эканлиги маълум бўлди. Ажабланарли ҳол шундаки, Каттақўрғон шаҳри биология ва кимёдан юқори кўрсаткичга эришган эди. Демак, тестдаги ютуқ ва камчиликлар халқ таълими ходимлари, жойлардаги ўқитувчилар ва ўқувчилар фаоллигига боғлиқ, деган хулосага келиш мумкин. Чунки вилоятдаги ташкилий, педагогик ишлар юқори даражада бўлса бунчалик паст кўрсаткич юқоридаги шаҳарда бўлмас эди. Вилоятнинг энг паст кўрсаткичли туман ва шаҳарлари ҳақидаги маълумот куйидаги 4-жадвалда берилган:

Фан	шаҳар, туман	Қатн. сони	Самарадор.	Вилоят номи	шаҳар, туман	Қатн. сони	Самарадор.
Она тили ва адабиёти	Каттақўрғон шаҳри	22	21.21	Самарқанд вилояти	Каттақўрғон шаҳри	22	21.21
Математика	Ўзгалкент тумани	311	28.04	Навоий вил.	Томди тум.	28	26.29
Физика	Пахтачи тумани	465	31.11	Сурхондарё вил.	Бандихон тум.	35	21.27
Биология	Ўзгалкент тумани	109	33.13	Навоий вил.	Конимех тум.	40	26.46
Химия	Самарқанд тумани	126	29.89	Сирдарё вил.	Оқолтин тум.	31	21.86
Тарих	Ўзгалкент тумани	101	31.35	Қорақалпоғистон Рес.	Тахиятош тум.	19	27.19
География	Ургут тумани	38	32.38	Сурхондарё вил.	Қизириқ тум.	21	28.84
Инглиз тили	Ўзгалкент тумани	36	29.09	Сирдарё вил.	Ш. Рашидов тум.	37	22.82
Немис тили	Ургут тумани	201	27.02	Жиззах вил.	Дўстлик тум.	17	19.12
Француз тили	Паст-Дарғом т.	24	25.69	Сирдарё вил.	Мирзаобод тум.	21	20.77

Вилоятдан республикамиз олий ўқув юртиларининг кундузги бўлимларига тестда қатнашган абитуриентлар билим даражаларининг таҳлили куйидагичадир.

3000 га яқин абитуриент юқори балл тўплаб яхши натижаларга эришган бўлса-да, лекин 6800 га яқин абитуриентлар жуда паст кўрсаткичга эришган. Вилоят халқ таълими бошқармасининг жойлардаги бўғинлари паст балли ўқувчиларга ўз диққатларини қаратишлари лозим.

Вилоятнинг юқори кўрсаткичга эришган мактаблари ўрганилганда Каттақўрғон туманига қарашли 9, 16, 74-мактаб, Челақ туманидан 5-мактабларнинг ютуғи кўзга ташланади. Вилоятнинг юқори кўрсаткичли мактаблари куйидаги 5-жадвалда кўрсатилган.

Фан	Туман номи	Мактаб	Абит. сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Каттақўрғон шаҳри	16	4	45.83
Она тили ва адабиёти	Каттақўрғон шаҳри	9	4	45.83
Математика	Иштихон тумани	49	5	63.89
Физика	Кўшрабт тумани	34	5	52.78
Биология	Каттақўрғон тум.	74	8	58.68
Химия	Жомбой тумани	2	6	60.65
Тарих	Кўшрабт тумани	16	5	58.33
География	Оқдарё тумани	19	4	59.72
Инглиз тили	Челақ тумани	26	5	66.67
Немис тили	Паст-Дарғом тум.	13	6	63.43
Француз тили	Самарқанд шаҳри	34	4	78.47

Вилоятда паст кўрсаткичга эришган мактаблар ҳам мавжуд. Бу мактабни тугатган ўқувчиларнинг тестдаги фанлар бўйича самарадорлиги куйидаги 6-жадвалда келтирилган:

Фан	Туман номи	Мактаб	Абит. сони	Самарадор.
Она тили ва адабиёти	Иштихон тумани	33	8	17.01
Математика	Оқдарё тумани	14	4	16.67
Физика	Каттақўрғон тумани	2	4	11.11
Биология	Ургут тумани	64	4	18.75
Химия	Паст-Дарғом тумани	24	8	15.63
Инглиз тили	Иштихон тумани	44	4	13.89
Немис тили	Ургут тумани	57	4	17.36
Немис тили	Ургут тумани	46	4	17.36
Француз тили	Оқдарё тумани	47	3	16.67
Француз тили	Ургут тумани	21	4	16.67

Вилоят мактабларини юқори баҳо билан тугатган абитуриентлари ўрганилди. 25 га яқин ўқувчи Самарқанд ва Тошкентдаги олий ўқув юртиларига юқори балл билан кириб, ўзларининг билимлари аттестатдаги баҳосига мос эканлигини тасдиқладилар:

7-жадвал

Тил	Ўқув юрти номи	Туман номи	Мактаб номери	Аттестат баҳоси	Тест бали
1	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ун-ти	Оқдарё тумани	2	5.0	245.40
2	Самарқанд давлат чет тиллар ин-ти	Самарқанд тумани	43	5.0	210.80
1	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти	Кўшрабт тумани	34	4.9	206.40
1	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти	Паст-Дарғом тумани	39	5.0	206.30
1	Ўзбекистон миллий ун-ти	Каттақўрғон тумани	70	5.0	198.30
1	Самарқанд давлат ун-ти	Каттақўрғон тумани	48	4.9	191.50
2	Самарқанд кооператив ин-ти	Каттақўрғон тумани	14	4.5	191.00
2	Самарқанд давлат чет тиллар ин-ти	Самарқанд тумани	45	5.0	190.60
1	Тошкент юридик ин-ти	Кўшрабт тум.	9	5.0	189.30
2	Самарқанд давлат чет тиллар ин-ти	Челақ тумани	26	5.0	187.80

Лекин аттестатдаги баҳолари тест натижаларига мос келмаганлари ҳам мавжуд:

8-жадвал

Тип	Ўқув юрти номи	Туман, шаҳар номи	Мактаб	Аттестат бали	Самарадор.
1	Самарқанд давлат университети	Нуробод тумани	6	5.0	32.9
1	Навоий давлат педагогика институти	Пахтачи тумани	3	4.8	32.7
1	Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти	Каттақўрғон тумани	27	4.6	32.6
1	Самарқанд кишлоқ хўжалик институти	Каттақўрғон тумани	35	4.5	32.6
1	Самарқанд давлат университети	Булунғур тумани	3	4.5	31.7
1	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Челақ тумани	7	4.6	31.7
1	Самарқанд давлат университети	Ургут тумани	20	4.0	31.7

Кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида тест натижалари бўйича маълум ютуқлар билан бирга тўла фойдаланилмаган имкониятлар ва камчиликлар ҳам мавжуд. Халқ таълими ходимлари ўқувчилар билимини баҳолашда, ягона мезонга амал қилишлари лозим эди.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Самарқанд вилоятида тест натижалари бўйича маълум ютуқлар билан бирга тўла фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжуд. Жумладан, ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини талаб даражасига кўтариш, битирувчи синфларда таълимий тестларни мунтазам ўтказиб бориш орқали уларнинг билим даражасига олдиндан баҳо бериш каби кечиктириб бўлмайдиган масалалар мавжуд.

O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 10 yilligi oldidan

Кўхна ва навқирон Самарқанд азал-азалдан илм-маърифатнинг бешиги ва булоғи бўлган. Бу вилоятда ҳозир ҳам илму зиёнинг кадр-қиммати тушган эмас, аксинча ошган. Бир нечта олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бор. Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтининг бу борадаги ўрни ва салмоғини сезиш қийин эмас. Саҳифамизни ҳам ушбу даргоҳ фаолиятига бағишладик.

ИШЛАНМАЛАР
БУЮРТМА КУТАДИ

Маълумки, таълим ислоҳотининг ҳар бир босқичи малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Институтимизда сўнги йилларда халқ хўжалигининг янгидан вужудга келган санъат ва маданият йўналишлари учун педагогик кадрлар тайёрлаб бериш йўлга қўйилмоқда. Бу ишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида мавжуд кафедра-рлар профессор-ўқитувчилари таркиби ҳам мунтазам тўлдириб борилмоқда. Чунончи, сўнги беш йилда ҳар йили 3-4 тадан докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланапти. Икки мутахассисликдан докторантура ва етти мутахассислик бўйича аспирантура фаолият кўрсатмоқда. Олий ва ўрта махсус таълимнинг меъморчилик ва қурилиш йўналишлари профессор-ўқитувчилари ҳамда инженер-техник ходимлари малакасини оширишга қаратилган иккита махсус факультет ҳам мавжуд.

билан таъминланаётган илмий тадқиқотларнинг ҳажми 15 миллион сўмдан ошиб кетди. Лойиҳа-тадқиқот ишларимиз эса 10-12 миллион сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич бизни қанотлантирмайди. Мавжуд илмий салоҳият бундан-да салмоқли тадқиқотларни амалга ошира олади. Мавжуд таърибавий полигон, лойиҳа-тадқиқот ус-тахонаси, талабалар конструкторлик бюроси, қатор муаммоли, тармоқ ва илмий лабораториялар салоҳияти бундан 4-5 марта зиёдрок ишларни бажаришга қодир, деб ўйлайман. Олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган сув ва бошқа чиқинди маҳсулотларини тозалаш, зарарсизлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси, зилзилабардошлик омиллари, бино ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш борасидаги илмий ва конструкторлик ишланмалари ўз буюртмачиларини кутиб турибди.

Муҳаммад АХМЕДОВ,
илмий ишлар бўйича
ректор муовини

Давлат бюджетидан маблағ



Институт талабалари теннис ўйинини ёқтирадилар.

Milliy dastur—amalda

Собиқ шўролар даврида институтимизда барча олий ўқув юртлари сингари юқоридан белгиланган режа асосида кадрлар тайёрланар, маҳаллий шароит, талаб ва эҳтиёгга айтарли даражада аҳамият берилмасди. Фақат Ўзбекистон мустақиллигидан сўнггина бу даргоҳда ҳам миллий кадрлар тайёрлаш жараёнида туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Институт ректорати, профессор-ўқитувчилар жамоасининг вазифаси фақат меъмор ва қурувчи муҳандисларни тайёрлашдан иборат бўлиб қолмай, бугунги кунда вужудга келиши лозим бўлган меъ-

ёрлаш йўлга қўйилди. Таълим ислохотларининг яна бир талаби, ўрта махсус ўқув юртларига васийлик қилишда ҳам ўз ўрнимизни аниқлаб олдик.

Маълумки, Самарқанд дунёга юз тутган шаҳар. Кейинги ўн йилликда бу ерда ривожланган давлатларнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил қилинган кўшма корхоналар институтимизга ҳам маълум даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда. "Самкочавто" автотомобилсозлик кўшма корхонасига дахлдор махсус кафедра, иккита лаборатория ташкил этилиб, "Маши-



МЕЪМОРЧИЛИК
СОҲАСИГА КАДРЛАР

морчилик-қурилиш мажмуаларининг шарт-шароит ва омилларини ўрганиш ҳам талаб қилишини англаб етганмиз.

Ҳозирги кунда институтимиз архитектура, қурилиш, иқтисодиёт, қурилиш технологияси, инженерлик ва касбий педагогика ҳамда малака ошириш факультетларидан таркиб топган бўлиб, асосий диққат-эътибор таълимда белгиланган ислохотларни ҳал этишга қаратилган. 1610 нафар талаба тахсил олаётган институтимизда шунга яраша педагог кадрлар фаолият кўрсатишмоқда. Дастлабки ташкил бўлган йилларда икки нафар фан номзоди ишлаган даргоҳда ҳозирда 20 дан ортқ фан докторлари, 150дан зиёд фан номзодлари ва доцентлар 30 та кафедрага бириккан ҳолда талаба-ёшлар таълими билан машғул.

Меъморчилик соҳасига бугун қандай кадрлар керак? Бу савол бизни ҳаммиша ўйлантиради. Маркетинг бўлими ва мунтазам ишловчи қабул хайъати кадрларга бўлган эҳтиёжни ўргана бориб, архитектура ва қурилиш соҳаларининг бугунги кунда бошқа технологик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқлигини аниқлайди. Бунинг натижасида асосий мутахассисликлар ҳисобланмиш архитектура, қурилиш менежменти, ер тузиш ва ер кадастри, геодезия, картография, инженерлик тармоқлари қурилиши, экология, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси, дизайн йўналишларида мутахассислар тай-

насослик технологияси, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаштириш мутахассислиги очилди. Шунингдек, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда махсус кафедра тузиш режалаштирилган. Бу кафедра тарихий шаҳарларни тадқиқ этиш ҳамда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш бўйича илмий изланишлар олиб боради, мутахассислар тайёрлайди. Шу ўринда Италиянинг Милан, Барселона шаҳарларидаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлигимизга асос яратилганини ҳам таъкидламоқчиман.

Дарслик ва ўқув қўлланмалари таълим тизимининг ажралмас бўлагидир. Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуksиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги қароридан сўнг бу масалага эътиборни бир қадар кучайтирдик. Ҳозирга қадар 180 та маърузалар матни, 100 дан зиёд услубий кўрсатмалар чоп этилди. Бундан ташқари, ОЎМТВ билан 2000-2001 ўқув йили учун 29 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш хусусида шартнома тузилган эди. 3 та дарслик ва ўқув қўлланмаси нашр этилиб, 10 таси чоп этишга топширилган. Гап шундаки, бу ўқув адабиётлари фақат олий таълим соҳаси учун эмас, балки ўрта махсус таълим муассасалари учун ҳам мўлжаллангандир.

Таълим тизимидан ташқари, маънавий-маърифий соҳадаги жараён

ҳам ўзига хос йўналишларда ташкил этилмоқда. Талабалар уйларида турар-жойга муҳтож 350 нафар ёшлар истиқомат қилишмоқда. 500 ўринли санаторий-профилакторий, 15 гектарлик ёрдамчи хўжалик, Миронқулдаги спорт-соғломлаштириш мажмуаси, спорт тўғарақларида нафақат талабалар, балки ўқитувчилар ҳам ўз бўш вақтларини кўнглили ўтказиб, соғлиқларини тиклаб боришади.

Ҳар бир олий ўқув юрти алоҳида жамоа. Унинг бошқа даргоҳларга ўхшамаган ўз муҳити ва муаммолари бор. Олий таълим олдида қўйилган талаблар нақадар кўп бўлмасин, ҳар бир даргоҳ мумкин қадар буларнинг урдасидан чиқиши керак. Мен юқорида ютуқларимиз хақида сўзладим, аммо уларнинг ҳаммасини ҳам айтиб ўтишнинг имкони йўқ. Айни вақтда муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Ўйлайманки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг навбатдаги босқичида белгиланган вазифаларга киришар эканмиз, XXI асрда Ўзбекистон таракқиёти учун қайгурадиган миллий кадрлар тайёрлашдаги ўрнимизни сақлаб қоламиз.

Собир БОБОЕВ,
Самарқанд Давлат
архитектура-қурилиш
институтини ректори, техника
фанлари доктори,
профессор

Faxr

БИЛИМ ВА ТАФАККУР
ЭГАЛАРИ

Осмонда юлдузлар кўп, аммо уларнинг барчаси ҳам чарақлаб кўзни олмайди. Институт талабалари юзлаб, лекин улар орасида ажралиб турганлари санокли. Билим ва тафаккурга интилаётган бу ёшлардан бир нафари Улуғбек, икки

нафари Беруний ва етти нафари институтга узоқ йиллар ректорлик қилган Р.Абдуллаев номидаги стипендия совриндорларидир:

Рустам Мадатов, Светлана Орховская, Сарвиноз Охунжонова, Суннатилла Турсунов, Шолпан Тўлегенова, Абдужалил Ҳожибеков, Малика Аминжонова, Дилрабо Соатова, Марина Наимова.

Тенгдошларига ҳар жиҳатдан ибрат бўлаётган ёшларнинг келажаги ҳам порлоқдир.

Abiturientlar diqqatiga

Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтига 2000 йилда ариза топшириб, институтда тахсил олиш бахтига муяссар бўлган абитуриентлар куйидаги натижаларни кўрсатишди:

Код	Таълим йўналишлари	Фанлар(балл)	Қабул режаси		Аризалар сони	Утиш бали	
			г	ш		г	ш
1001	Математика	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	69	96	307	94,2	74,5
1016	Иқтисодиёт	Ўзбек тили (1,1) Чет тили (2,1) Математика (3,1)	13	16	118	164,1	112,1
1042	Касбга ўргатиш (техника йўналиши бўйича)	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	10	14	57	97,2	85,9
1054	Геология	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	10	13	51	95	80,7
1056	Ер усти транспорт тизимлари	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	23	31	129	101,4	82,5
1179	Дизайн	Ўзбек тили (1,1) Математика (2,1)	7	9	23	148,4	106,3
1180	Архитектура	Ўзбек тили (1,1) Математика (2,1)	15	20	41	132,2	77,7

БЕҒАРАЗ ҲАМКОР

Лицей-интернатимизда инглиз тили, математика, физика ва она тилини чуқур ўрганиш имкониятидан ташқари, компьютер саводхонлигига ҳам эришиш мумкин. Демак, ўрта умумий таълим тизимидаги асосий фанларнинг айримларидан мукамал билим эгалланган ўқувчи ўзи танлаган олий ўқув юртига кира олади. 1996-97 ўқув йилидан бошлаб ташкил топган лицей-интернатимизни ҳозирга қадар кўп қизлар тамомлаб тарнатимизни кўплаб йигитчиқишди ва уларнинг аксарияти турли олий ўқув-юртларида тахсил олишмоқда. Бу йил 107 нафар ўқувчиларимиз билан хайрлашиб, ўз орзуларига эришишларини тилаб қоламиз. Ўз навбатида, уларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида 2001-2002 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилишга ҳам тайёргарлик бошланиб кетди.

Uzluksiz ta'lim

Шуниси муҳимки, узлуksиз таълимда ўқув муассасаларининг бир-бирлари билан муносабати катта аҳамиятга эга. Институт ректорати лицей-интернатимизни техник асбоб-ускуналар, доска, парта, газ, сув билан таъминлашда ёрдам кўрсатаяпти.

Абдувакил СОВУРБОЕВ,
институт қошидаги лицей-интернат директори, физика-математика фанлари доктори, профессор

**АСОСИЙ КУРС
ИККИНЧИ ДАРС**

Хайрлашув жараёнида энг кўп қўлланиладиган иборалар куйидагилар

- Good bye - Хайр
- Good bye now - Хайр энди
- See you soon - Тезда кўришгунча
- See you tonight - Кечкурун гача
- Till this evening then - Бу оқшом кўришармиз.
- See you later - Кейинроқ кўришгунча
- See you on Sunday - Якшанбада кўришгунча.

Норасмий, яқин дўстона муносабатда бўлган кишилар орасида хайрлашув жараёнида кўпроқ ишлатиладиган иборалар куйидагилар.

- Bye (then) - Хайр
- Bye now - Кўришгунча
- See you - Хўп, хайр
- Cheers - Омон бўл (инг)

Хайрлашувдан олдин кетиш кераклигини асословчи иборалар ҳам мавжуд. Улар одатда афсусланиш, кетиш билан боғлиқ зарурият, ташаккур каби маъноларни англатади.

- Well, I must be going now - Турадиган (жўнайдиган) вақт бўлди
- I must go now - Кетишим керак.

1

**ИНГЛИЗ ТИЛИ
САБОҚЛАРИ**

— I am afraid I must be going - Қолиб кетмасам, деб кўрқаман.

— It's time I was going - Кетадиган вақтим бўлди.

— I must be off now - Ҳозир чиқиб кетишим керак.

— Well, I mustn't keep you - Вақтингизни олаяпман, кетишим керак.

Хайрлашаётган одамга нисбатан истак сифатида айтиладиган иборалар ҳам бор. Улар мулозамат нуқтаи назаридан билдирилади.

— Come and see us soon - Тез-тез келиб туринг.

— Please call again - Яна келинг.

— Drop in and see us any time - Кўришиб турайлик.

— You always welcome - Сизга ҳамма вақт эшигимиз очик.

— Please write - Ёзиб туринг.

— Keep in touch - Хабарлашиб турайлик.

— Remember to telephone me - Менга кўнги-роқ қилиб туришни унутманг.

2

Шу билан бирга мезбон меҳмон орқали унинг яқин дўст-биродарларига, қавму-қариндошларига ўз саломини, меҳрибончилигини етказиши мумкин.

— Please give my best regards to your wife (husband, parents) - Турмуш ўртоғингизга (ота-оналарингизга) мендан салом айтинг.

— My love to the family (your husband, your wife) - Оилангиз аъзоларига мендан салом айтинг.

— Remember me to your family - Уйдагиларни сўраб қўйинг.

— Kiss the children (your daughter, your son) for me

Болаларингизни (қизингизни, ўглингни) ўпиб қўйинг.

Буларга куйидагича жавоб берилиши мумкин.

— And you, too - Сиз ҳам.

— Come and see us too - Бизни кига ҳам боринг.

— Keep in touch - Хабарлашиб турайлик.

1) Инглиз тилида урғу белгиси урғу тушган бўгин олдидан қўйилади ва шу бўгин бошқа бўгинларга қараганда кучлироқ талаффуз қилинади.

Good bye!

3

Ёшларда Ватанни севиш туйғусини уйғотиш, табиатни асраш ва кўриқлаш, табиат бойликларини тежаб-тергаш, улардан унумли фойдаланишни ўргата бориш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Модомики, шундай экан, ўсиб келаётган ёш авлодга табиат сирларини ўргатишни оиладан, боғчадан ва бошланғич синфлардан бошлаб ўргатиш, юқори синфларда эса уни ривожлантириб боришимиз лозим. Бу вазифаларни ҳал этишда синфдан ташқари машғулотларнинг ҳам катта аҳамияти бор. Синф ва мактабдан ташқари ишларнинг энг замонавий турларидан бири, бу атроф-муҳит, табиатшунослик, экология бўйича ташкил этилган тўғарақлардир.

“Ёш экологлар”, “Ёш табиатшунослар” каби тўғарақларнинг

Tavsiya

ёшларининг “Биоэкокан” ўқув-услубий мажмуаси томонидан тўғарақ раҳбарлари учун “Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида экология йўналишидаги ишларни амалга ошириш” бўйича тавсиянома ишлаб чиқилди. Тавсияларни газетамиз саҳифаларида эълон қилиб борамиз.

**ЎҚУВЧИЛАР ТАБИАТ
МАСКАНИДА**

Табиат—бизни ўраб олган олам. Инсон дунёга келар экан, шу табиат олами билан бевосита мулоқотга киришади, болалар ҳам табиат кўйида, тоза ҳавода кўп сайр қилса, чўмилиб, офтобда тобланса соғлом, бақувват бўлиб етишади. Табиат билан доимо ҳамнафас бўлган

**БИЗНИНГ
ЛИЦЕЙИМИЗДА...**

Каттақўрғон шаҳар миллий ҳунармандчилик лицейида 620 нафар йигит-қизларга касб-хунар ўргатиш учун тажрибали ўқитувчилар, ўз касбини пухта билладиган моҳир усталар жалб этилган. Аниқ фанлар бўйича қизиқарли дарс бериб, ўқувчилар қалбига билим сирларини пухта сингдираётган ўқитувчиларимиздан Хайрулло Сафаров, Ҳикоят Низомитдинова, Шахрибону Ниёзова, Мухаррам Алиева, Сирож Норов, Болта Қодиров каби фидойи ўқитувчиларимиз билан фахрланамиз. Лицейимизда дурадгор ўймакор, ёғоч ўймакори, ғишт терувчи, устки кийим тикувчи ва бичувчиси, электр пайвандчилик, уй-рўзгор асбобларини таъмирловчи, чилангарлик сингари турфа касблар бўйича мутахассислар тайёрлаб бераёпмиз. Талабаларимизнинг яхши ўқиб, касб ўрганишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилаёпмиз. Лицейимизда таълим олган ёшларимиз нафақат Республикаимизда, балки хориж давлатларида ҳам ўқиб, малакаларини ошироқдалар.

Талабалар очик ва ёпиқ ўйингоҳларимизда спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имкониятига эгадирлар. Шундай бўлсада, ҳали орамизда ҳаётга бефарқ қарайдиган ёшлар ҳам йўқ эмас. Уларни тўғри йўлга солиш учун турли суҳбатлар уюштириб, ҳуқуқтартибот ходимларини таклиф этиб, ҳамкорликда иш олиб бораёпмиз. Бу эса келгусида ўз самарасини беришига ишонаман. Айни пайтда янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини ҳозирдан бошлаб юбордик, бу педагогик жамоамиз олдида катта масъулият юклайди.

Зафар АБДУҒАНИЕВ,
лицей раҳбари

РАҒБАТ

Мирзо Улғубек номидаги ЎзМУнинг маданият саройида Швейцария маданияти кўни ўтказилди. Швейцария элчихонаси билан ҳамкорликда тайёрланган тадбирдан мақсад ёшларимизнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишларини орттиришдир.

— Билимга чанқок ҳар бир киши бир неча тилларни билишга интилади. — деди ЎзМУ хорижий филология факультети декани профессор Абдузхўр Абдуазизов “Туркистон-пресс” мухбирига. — Ёшларимиз ўртасида “Швейцария-2001” деб номланган бу тадбир ёшларнинг тил ўрганишга бўлган рағбатларини оширишга хизмат қилади. Бу борада хорижлик дўстларимиз ташаббус бошлашди.

Тадбирда сўзга чиққан Швейцариянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси

жаноб Пьер Хжановский ўз юрти ҳақида немис, француз ва италян тилларида гапириб берди.

Университет ректори муовини Хондамир Фуломов меҳмонларни мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юрти фаолияти билан таништиргач, талабалар француз тилида Швейцария тарихи, иқтисодиёти ва маорифи ҳақида сўзлаб беришди. Немис ва француз тилларида шеърлар ўқилди. Уч нафар талабани немис тилида баҳс олиб бориши барчада катта таассурот уйғотди.

Тадбирда пойтахтдаги немис тилини ўргатишга ихтисослашган 60-мактаб ўқувчилари ҳам қатнашиб, немисча кўшиқлар ижро этишди. Тадбир сўнгига элчи жаноблари тилларни пухта эгаллаган ўқувчи ва талабаларга эсдалик совғалари тақдим этди.

“Туркистон-пресс”

УНИВЕРСИТЕТДА СЕРВАНТЕС КУНИ

ЎзДЖТУда испан тили ва маданияти маркази ташаббуси билан 15 май куни “Сервантес куни”га бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда университет ректори Ж.Буранов, Испаниянинг Ўзбекистондаги бош консули, Белгия делегацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг масъул ходими, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ва шарқшунослик институтининг домла ва фаол талабалари, 157-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ўз дастурлари билан иштирок этдилар.

Профессор ва домлаларнинг жумладан, Испаниянинг Мадрид университети профессори Беатрис Армаданнинг “Сервантеснинг

ҳаёти ва ижоди ҳақида” тайёрлаган видеофильми, испан тили кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент К.Абдуллаевнинг “Дон Кихот образи”, катта ўқитувчи Ш.Холматованин “Жаҳон адабиётида Сервантеснинг тугган ўрни” ва Д.Баличинин “Сервантеснинг серкирра ижоди маҳсуллари” мавзuidaги маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Анжуман сўнгига талабалар Сервантес асарлари асосида ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишлари, шеър, кўшиқ ва рақслари билан анжуман қатнашчилари ва меҳмонларни хушнуд этдилар.

Гулноза КАРИМОВА

**ТАЪТИЛ
ТАДБИРЛАРИ**

вазифаси ўқувчиларни она Ватанини севишга, унинг табиати, суви, тупроғининг мусаффо бўлишини таъминлашга жалб қилишдан иборат.

Ушбу тўғарақларни ташкил қилишнинг яна бир тури ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида экология йўналишидаги ишларни амалга оширишдир.

Мана ёз фасли ҳам кириб келмоқда. Мактабларимизда ўқишлар якунланиб, ёзни мароқли ўтказиш учун ўқувчиларимиз ёзги оромгоҳларда дам олгани чиқиб кетадилар. Бунда ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб дам олишади. Дам олиш вақтида ўқувчилар табиатни қандай асраб-авайлашни, атроф-муҳитга нисбатан онгли муносабатда бўлишни, атроф-муҳит тоза бўлса, саломатлик, тани соғлиқ яхши бўлиши ҳақида билимга эга бўладилар. Ёзги оромгоҳларда сайрлар уюштириб, ўсимлик ва ҳашаротлардан намуналар йиғадилар. Ҳафтада бир кунни белгилаб “Ёшларнинг соғлом турмуш тарзи нимадан иборат?” мавзусида суҳбат, “Соғлом турмуш тарзи қандай куч?”, “Дизен-терия касаллигидан эҳтиёт бўлинг!” мавзуларида давра суҳбатлари ёки тадбирлар ўтказилиб туриш диққатга сазовордир. Ушбу мақсадда Республика

бола, унинг сирларини теранроқ англашга, уни асраб-авайлашга, уни тинглаб-тушунишга ўрганади. Инсоннинг табиий сифатлари—табиий ҳодисаларининг чиройини англаш, ундан завқланиш хусусиятлари, экологик гўзаллик мезонларини кўз олдида келтиришдан иборат. Ташқи оламни сақлаш туйғусини, ҳар қандай шахсда табиат нисбатан ахлоқий муносабатларни шакллантириш керак.

**ОРОМГОҲЛАРДА
ЖОНЛИ БУРЧАКЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

Ёзги оромгоҳларда дам олиш билан биргаликда турли хил шакл ва воситалар бўйича тўғарақлар, клублар, секциялар очилган бирга жонли бурчаклар ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Жонли бурчакларга уй ҳайвонлари, ҳар хил қушлар, аквариум балиқлари, куён, товуқ, паррандалар кўйиш мумкин. Болалар ҳар хил турдаги аквариумда секин-аста ҳаракат қилаётган балиқларни кузатиб хайратланадилар. Балиқларнинг турлари, қандай овқатлантирилиши, сувларнинг алмаштирилиши, сувнинг ҳарорати қандай бўлишини билиб оладилар.

“БИОЭКОКАН”
ўқув-услубий мажмуаси
(Давоми бор)

СЎВ МУАММОСИ

Исроилдаги чучук сув захираларининг яқин муддат ичида жуда ҳам паст даражага тушиб қолиши мумкинлиги боис, унга бўлган талабни қисқартиришга тўғри келмоқда. Мамлакат раҳбарияти бу борада махсус ҳисобот тайёрлаган бўлиб, унга кўра келгуси уч йил мобайнида майсазорларни сугориш тўхталиши ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналарни сув билан таъминлаш 10 фоизга қисқариши мумкин.

Фаластин мухторияти эса ҳудудида жойлашган яҳудийлар истиқомат қиладиган пунктларни сув билан таъминлаб, фаластинликларни сувсиз қўймоқда, дея Исроилни айбламқда.

АРОФАТНИНГ
ТАКЛИФИ

Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат Америка собиқ сенатори Жорж Митчелл раҳбарлигида Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича ташкил этилган махсус комиссиянинг ишлаб чиққан ҳисоботи бўйича учрашув ўтказиш таклифи билан чиқди. Шунингдек, Арофат можарони ҳал этишда Жорж Бушнинг кўмак беришини сўради.

Афсуски, айна пайтда Исроил ҳукуматининг олиб бораётган сиёсати мазкур ҳисоботга тўғри келмаслиги фаластинликларда норозилик туғдирмоқда. Маълум бўлишича, ҳозир ҳам икки томон ўртасида тўқнашувлар бўлиб турибди.

КОТИЛЛАР УШЛАНДИ

Ўдга олсак, 11 апрел куни Душанбе шаҳрида содир этилган суиқасд натижасида Тожикистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ҳабиб Сангинов ҳалок бўлган эди. Олиб борилган тергов қидирув ишлари оқибатида қотилликни содир этган 4 нафар жиноятчи ҳибсга олинди. Фожианинг бешинчи иштирокчисининг шахси ҳам аниқланиб, айна пайтда уни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

ИТТИФОҚНИНГ
ЎРДАМИ

Ўтган куни Чеченистонда турган рус кўшинлари ва жангарилар ўртасида юзага келган тўқнашув оқибатида федерал кучлар томонидан йўқотиш кузатилди. Ҳозирда жангарилар Чеченистоннинг турли ҳудудларида барпо этилган блокпостларга ҳужум уюштирмоқдалар. Кеча Грознийда рўй берган худди шундай отишма чоғида тинч аҳолидан бир киши қурбон бўлди.

Айна шундай пайтда Оврүпо Иттифоқи можаро туфайли жабр кўрган чечен қочокларига 13 млн. АҚШ доллари микдорида кўшимча ёрдам ажратди.

1920 йиллар бошида олмонийлик кимёгар Герман Штаудингер унча катта бўлмаган молекулаларнинг бир неча мингтаси занжирсимон тизимга бириктириш мумкинлиги тўғрисидаги назарияни яратди. Унинг фикрича, бундай макромолекулалар баъзи бир коллоид аралашмаларда учраши мумкин экан. Штаудингернинг бу илмий гоёлари ўша пайтда кўпчилик кимёгарлар томонидан тан олинмади ва бу нарса бир неча йиллаб олимлар ўртасидаги илмий тортишувларга сабаб бўлди. Баъзи бир атоқли кимёгарлар эса катта миқдордаги молекулаларнинг бир жойда боғланиб туриши тўғрисидаги фикрга умуман қарши чиқдилар.

Бир томонда назарийчилар қизгин тортишувлар билан банд бўлиб турганда, тадқиқотчилар ўзлари ўтказган тажрибалар билан янгидан-янги, кўпчиликни лол қолдирадиган натижаларга эриша бошладилар. Табиий полимерлар ҳисобланган целлюлоза, каучук ва бошқаларни олишга эришилганидан сўнг бутунлай сунъий ва табиатда умуман учрамайдиган моддаларни ҳам синтез қилиш йўлига қўйила бошланди. Бу соҳада дастлабки муваффақиятга эришганлар тўғрисида тўхталганда Адольф Байер ва Лео Хендрик Бакеландларнинг номини эслаш зарур. Улар биринчи бўлиб полимер модда ҳисобланган бакелитни ихтиро қилдилар. 1931 йили эса Уоллес Хьюм Карозерс биринчи бўлиб полиамид смоласини синтез қилди. "Нейлон" деб ном олган бу моддалардан бири, айниқса, кўпчиликка яхши таниш бўлиб қолди.

Хуш, полимерлар ўзи нима? Полимерлар (يونونча polimeres-кўп қисмдан ташкил топган деган маънони билдиради) молекулалари (макрмолекулалари) кўп сонли такрорланувчи гуруҳлардан ташкил топган катта молекуляр массали (бир неча миллионгача) кимёвий бирикмалардир. Макромолекула таркибига кирган атомлар бир бири билан асосий ёки кординацион валентлик кучи воситасида боғланган бўлади. Полимерлар табиий-биополимерлар (оқсиллар, нуклеин кислоталар, табиий смолалар) ва синтетик (полиэти-

лен, полипропилен, фенолформальдегид смолалар) полимерларга бўлинади.

Полимерларнинг таркиби ва синтез қилиш усулларига кўра улардан қаттиқ ва эластик, пухта ва мўрт, иссиққа ва совуққа чидамли, кимёвий бардошли ҳамда бошқа хоссаларга эга бўлган турли маҳсулотлар олиш мумкин. Керакли маҳсулот ҳосил қилиш учун полимерларга кўпгина тўлдиргичлар ва бошқа моддалар қўшилади. Полимерларнинг асосий жиҳати шуки, улардан штамповкаш, преслаш каби оддий усуллар билан хар хил буюмлар тайёрлаш мумкин.

Синтетик кимё соҳасидаги кўлга киритилган ютуқлар Штаудингернинг гоёлари ва қараш-



лари тўғри эканлигини кетма-кет тасдиқлай бошлади. 1930 йилларнинг охирига келиб у яратган назариянинг тарафдорлари анча кўпайиб қолди. Шу орада полимерлар, пластмассалар, юкоримолекуляр бирикмалар ва бошқа шу каби янги тушунчалар пайдо бўлди. Макромолекулаларнинг тузилишини ўрганиш ва уларни синтез қилиш бўйича бир қатор усуллар ва илмий тадқиқотлар йўлга қўйила бошланди. Бу борадаги олинган натижаларнинг тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши шу соҳада янги турдаги пластмассаларни ишлаб чиқариш саноатининг ривожланишига улкан ҳисса бўлиб кирди.

Янги турдаги моддаларни ишлаб чиқаришнинг гуркираб ривожланиши жараёнида атоқли назарийчи ва изланувчи олим Штаудингернинг номи бироз четда қолгандай бўлди. Шунга қарамадан, у бошлаб берган илмий тадқиқотлар кимё фанидаги янги соҳага асос бўлиб қол-

ЎДГОРЛИК ЎРНАТИЛГАНДИ, АММО...

Киев шаҳрида вафот этган журналистларга ёдгорлик тоши қўйилганди. Унинг асоси гранитдан барпо этилган бўлиб, бир томонига "Украинанинг халок бўлган журналистлари", иккинчи томонига эса "Ҳақиқат курашчилари" деган сўзлар ёзилган эди. Энг юқори қисмида эса Георгий Гонгадзенинг сурати ҳам бор эди. Афсуски, кеча ана шу ёдгорликни номаълум шахслар бузишга уринганлар.

АҚШдан сиёсий бошпана топган Георгийнинг рафиқаси Мирослава Гонгадзе хоним эса эрининг сирли ўлими устида Украина ички ишлар вазирлиги томонидан олиб борилган жиноий иш ёпилганлиги учун мустақил тергов олиб борилишини талаб қилди.

Nobel mukofoti sohiblari

Айнан шу нарса кечроқ бўлса-да, Стокгольмдаги академикларнинг назарига тушган бўлса ажаб эмас. Ҳамма жойда пластмасса асрининг бошланганлиги тўғрисида гапирилатган бир пайтда, яъни 1953 йили Герман Штаудингер кимё соҳасидаги Нобел мукофотига лойиқ деб топилди.

Умуман олганда, ташқи таъсирсиз эркин ҳолда полимерларга айланадиган моддалар сони жуда кам. Одатда бундай реакцияларнинг бошланиши учун махсус шароит ва катализаторлар керак бўлади. Масалан, этилен молекулаларининг занжирсимон боғланишлар ҳосил

ишлар бўйича патент олинди.

Паст температурада Циглер технологияси асосида янги катализаторларни қўллаш билан синтез қилинган ва кейинчалик полиэтилен деб ном олган бу янги модда юқори сифатлиги билан алоҳида ажралиб турар эди.

Бу катта муваффақият ва ютуқлардан хабардор бўлган миланлик кимёгар Жулио Натта Циглер яратган катализаторлар реакция давомида янги маҳсулотнинг ҳосил бўлиш жараёнига қандай таъсир қилишини янада чуқурроқ ўрганишга қарор қилади. Шу мақсадда у ўз тадқиқотларида рентген нурлари ва электрон дифракция усуллари қўллай бошлади. Шу йул билан Натта катализаторлар ва улар ёрдамида олинган полимерларнинг тузилиши ҳамда ҳоссаларига тегишли бир қанча муҳим маълумотлар тўплади. Ҳам назарий, ҳам тажриба йўли билан тўпланган бу маълумотлар полимерлар ишлаб чиқариш саноатининг ривожланишида технологияларни соддалаштириш ва энгиллаштириш борасида жуда қўл келди.

1963 йили полимерлар технологиясининг асосчиси бўлган Карл Циглер ва назарий-кимёгар Жулио Натталар полимерлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш соҳасидаги хизматлари учун иккаласи ҳам кимё соҳасидаги Нобел мукофоти соҳиб бўлдилар.

Аммо вақт ўтиши билан полимерлар тўғрисида тўлиб-тошиб айтилган мақтовлар ва ҳаётда бошқа моддаларни сиқиб чиқариши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларга бир оз чек қўйишга тўғри келди. Маълум бўлишича, полимерларни ташкил этувчи макромолекулалар баъзи бир камчилик ва нуқсонларга эга экан. Бундай камчиликларни бартараф қилиш эса ўз навбатида чуқур назарий таҳлил ва тинимсиз тадқиқот ишлари ўтказишни талаб қилар эди.

Фикримизни кейинги мақолада давом эттираемиз.

Абдумажит ТўРАЕВ,
физика-математика
фанлари номзоди,
Ўзбекистон Физика
жамияти ҳайъати аъзоси.

ЯНГИ МУҲАРРИР

"Washington Post"нинг ёзишича, "New York Times" газетаси таҳририят кенгаши бош муҳаррирлик лавозимига 58 ёшли Хоуэлл Рэйнс тайинлади. Янги муҳаррирнинг касбий маҳорати кучли бўлиб, ўз даврида, газетанинг оқ уйдаги муҳбири сифатида ҳам фаолият кўрсатган. Эндиликда Рэйнс сентябрь ойидан бошлаб масъулятли вазифасини бажаришга киришади. "New York Times" ношири Артур Санзберг бу қарор ҳақида янги раҳбарни ўтган ҳафта охирида хабардор этди.

МУРОСАГА КЕЛИНМОҚДА

Хабарларга қараганда, албан исёнчиларининг "Прешеве, Медвежи, Буяноваца озодлик армияси" гуруҳлари раҳбарларидан бўлмиш Шевкет Муслиу "исёнчи гуруҳларни 31 майга қадар қуролсизлантириш, ҳарбий хизматдан бўшатиш ва бундай бўлинмаларни тугатиш" тўғрисидаги битимга имзо чекди. Маълум бўлишича, мазкур ҳужжатни имзолашда НАТОнинг Югославиядаги махсус вакили Питер Фейт ҳам иштирок этган.

БОЛА ЎҒРИЛАРИ

Хитойнинг Гуйчжоу вилоятидаги Гуйян шаҳар суди 1997-1999 йиллар мобайнида 40 дан ортиқ ёш болаларни ўғрилаб сотишда айбланган жиноий гуруҳ устидан ҳукм чиқарди. Унга кўра, жиноятчиларнинг 8 нафари ўлим жазосига тортилган бўлса, 3 тасига умрбод қамок жазоси берилди ва 5 нафари эса турли муддатга озодликдан маҳрум этилди. Олий жазога маҳкум этилганларнинг 2 нафари аёллардир, дейилади Синхуа агентлиги тарқатган хабарда.



Мана бир неча йиллардан буён мамлакатимизда "Европа кино кунлари"ни ўтказиш анъана тусига кириб қолди. 25 майдан 3 июнгача пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Европа киноижодкорлари томонидан яратилган бадиий фильмлар кенг томошабинлар оmmasига ҳавола этилади. Ушбу хайрли тадбирни республикаимизда фаолият юритаётган Брита-

ЕВРОПА КИНОСИ КУНЛАРИ

ния Кенгаши, Гёте институти, Италия, Франция, Германия, Чехия, Польша, Швеция конфедерацияси элчихоналари, Белгия қироллиги консулиги ҳамкорликда ташкил этган.

Европанинг ривожланган Италия, Германия, Франция, Буюк Британия каби давлатлари бадиий фильмлари билан бир қаторда бир ҳафта давомига Швеция, Польша, Чехия, Бельгия каби давлатларнинг ҳам фильмлари намойиш этилади.

Европа киноижодкорлари томонидан яратилган турли жанрлардаги бадиий фильмлар кенг ўзбек томошабинлари оmmasига маълум вақтларда оригинал тилда, куннинг маълум қисмида таржима қилинган ҳолда кўрсатилади. Ўтқир сюжетга эга бўлган мелодрома, ҳаётдаги бор иллатларни ҳазил-мутойиба билан уйғунлаштириб кўрсатиб берувчи комедиялар томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Европа кинолари А.Навоий номидаги санъат саройида соат 14, 16, 18 ва 20 да намойиш этилади.

Нурали ШОДИЕВ

БОЛАЛАР ТАСАВВУРИДАГИ ВАТАН

Яқинда Жиззах вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида вилоят ўқувчиларининг "Расмларда Ватан тимсоли" деб номланган кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда санъатнинг рангтаъсир, графика, амалий ва дизайн санъати, ҳайкалтарошлик каби йўналишларида туман босқичида голиб чиққан ижодкор ўқувчилар ўз асарлари билан иштирок этишди. Бу тўрттала йўналиш бўйича қатнашган ёш санъатсеварлар орасида Ш.Ҳасанов, Р.Норбоев, Б.Исломов, С.Муртазоевларнинг асарлари юқори баҳоланди ва улар кўрик-танлов голиблари бўлдилар. Голибларга ВПХМОИ томонидан Фахрий ёрликлар ва турли китоблар топширилди.

И.ИСМОИЛОВ,
М.УЗОҚОВ,
Жиззах вилояти
ПХМОИ меҳнат ва
эстетика бўлими
ходимлари

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги уй-музейлар деярли барча вилоятларда фаолият юритмоқда. Улар асосан бирор буюк шахснинг ҳаёт йўли ва ижодига бағишланган бўлади. Уй-музейлар жойлардаги мактаб музейлари, вилоятлар ҳамда республикаимизда турли соҳалар бўйича иш юритаётган музейлардан катта фарқ қилади.

Шундай музейлардан бири пойтахтимиздаги ўрол Тансиқбоев Ёдгорлик уй-музейидир. Халқ рассоми, табиат манзараларининг машҳур устаси, академик ў.Тансиқбоев 1904-1974 йилларда яшаб ижод этган. Уй-музейга кириб бораркансиз, икки томони кўм-кўк майсазор, анвойи гуллар, ноёб ўсимликларга бурканиб турганлигига гувоҳ бўласиз. Рассом хотирасини абадийлаштириш мақсадида уй-музейда ёдгорлик лавҳа ўрнатилган бўлиб, унинг ён томонида барпо этилган боғда эса мрамар шоҳсупага рассомнинг сиймосини яққол акс эттирувчи



лари ҳар томонлама таҳсинга сазоворлиги учун Ҳиндистон, Сурия, Италия, Испания, Германия, Франция, Бельгия, Мексика, АҚШ каби давлатларда, кўплаб кўргазмаларда намойиш этилган. Ҳозирда ҳам шундай жараёнлар яна давом эттирилмоқда.

Яқинда ўрол Тансиқбоев уй-музейи очилга-

ТАБИАТ МАНЗАРАСИГА БУРКАНГАН ДАРГОҲ

бронза ҳайкал ўрнатилган.

Уй-музейнинг аҳамиятли томони шундаки, уйдаги мавжуд барча нарсалар рассом ҳаётлигида қандай қолдирган бўлса, худди шундай турибди.

ўрол Тансиқбоев ўз шогирдларига катта меърос қолдирди. Ва шу йўлда ўз мухлисларига эга бўлди. Шуниси қувонarliки, унинг асарлари жаҳондаги кўплаб йирик музейларнинг олтин фондида сақланмоқда. Рассомнинг, айниқса, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон давлат Санъат музейларида ҳам сақланаётган асар-

нига 20 йил тўлди. Шу муносабат билан бу даргоҳни кўплаб олимлар, музейшунослар, саёҳатчилар зиёрат қилишди.

Бугунги кунда рассомнинг жойлардаги асарлари олиб келиниб, уй-музей янада бойитилмоқда. Рассом номи абадий сақлаш, яратган асарларини саёҳатчию қизиқувчиларга етказиш, уларнинг онгини, дунёқарашини ўстириш музей ходимларининг энг катта мақсадидир.

Камолиддин
КАРИМОВ

"ҲАЗИНА" — ТАЛАБА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

"Қамолот" ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси Бошқаруви, Ўзбекистон фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари талабаларининг "Ҳазина" ўзбек фольклор санъати ва урф-одатлари Фестивалини Ўзбекистон Миллий университети Маданият

саройида ўтказмоқда.

Фестивал ёшларнинг халқимиз миллий қадриятларига бўлган ҳурматларини ошириш, халқ фольклори санъати ва урф-одатлари, анъаналаримизга нисбатан қизиқишларини уйғотиш, бу йўлдаги бадиий салоҳиятларни ривожлантириш ва санъаткорона умумлашмаларда намоён этиш учун кенг имкониятлар яратишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Фестивалда республикаимиз пойтахт ва вилоятлари олий ўқув юртлари талабалари фаол иштирок этмоқда.

Соҳибжон НАБИЕВ

ҒИЖЖАКНИ "ҒАПИРТИРГАН" САНЪАТКОР

Машҳур созанда Абдуҳошим Исмоилов ўз санъати орқали кўплаб давлатларда ҳам бўлиб, ўзбек миллий мусиқа санъатига муносиб ҳисса қўшаётган санъаткорларимиздан.

Абдуҳошим Исмоилов 5-6 июнь кунлари пойтахтнинг "Зарафшон" концерт залида ўзининг ижодий кечасини ўтказди. Икки кун давом этадиган ижодий концертда созанданинг турли йилларда яратган шўҳран, дилга ором берувчи мусиқий асарлари янграйди. Унда санъаткорнинг дўстлари, ҳамкасблари иштирок этишади. Гулбаҳор Эрқулова, Насиба Сатторовва, Фуломжон Ёқубов каби эл назаридаги санъаткорлар билан ижодий кеча яна ҳам завқли ўтди, деб ўйлаймиз.

Ернўлат ЖАРИМБЕТОВ

БОЛГАР ЮАДУЗИ ТОШКЕНТДА

Пойтахтнинг "Интерконтинентал" меҳмонхонасида болгариялик таниқли бастакор, профессор Нева Кристева журналистлар билан учрашди. Нева Кристева бугунги кунда Болгария Давлат консерваториясининг орган ва полифония соҳасининг етук профессори даражасига етган. Дунёда унинг юрак туйғуларини жунбушга солувчи, кишини мушоҳадага андовчи санъат асарларига ошно бўлмаган кишилар жуда кам. Невахоним журналистлар билан суҳбат қилар экан, «Шарқ мўъжизаларига шайдоман. Кишини лол қолдирадиган мумтоз мусиқа санъати доимо мени ўзига мафтун этади. Мана шу мусиқа билан яқиндан танишишни, Ўзбекистоннинг гўзал меъморчилигини ўз кўзим билан кўришни бир умр орзу қилганман. Мен бу ниятга етдим ва бундан бахтиёрман», — деди.

Болгариянинг сўлим шаҳарчаларидан бирида мусиқачилар оиласида дунёга келган Невахоним болалигидан санъатга ошно бўлган.

— Санъаткор бўлиш орзусида эканимни эшитган ота-онам аввалига менинг иқтидоримга ишонишмади ва кулиб қўя қолишди, — Қарорим қатъийлигини

билишгач, менга турли маслаҳатлар бера бошладилар. Санъат йўли оғир ва машаққатли эканлигини, бу йўлда ўзимни эплаб кетишим қийинлигини санъат саҳнасида ўз ўрнимга эга бўлишга ишончларни йўқлигини айтишди. Москва Консерваториясига кириш учун ўтказилган танловда голиб чиққанлигимдан сўнг уларнинг ҳамма шубҳалари ва ҳадиклари йўқолди.

Талабалик йилларидаёқ Москвадаги машҳур "Чайковский" концерт залида биринчи концертини кўйган Н.Кристева мусиқа дунёсида бир истеъдод кўз очганини намоён эта олганди, деди тадбирда иштирок этган Болгариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходими жаноб Эмил Канудамев. У Болгарияда биринчи бўлиб, мусиқа оламнинг даҳоси Бахнинг 17 та тўлиқ альбомини батафсил ўрганди ва уларни ижро этди. Сўнг ўзи ҳам Бах сингари танилди. Мусиқа ихлосмандларининг юрагидан жой олди.

Тошкентдаги энг гўзал кошоналарда Нева хоним мухлисларини кутади. Айни дамларда эса Тошкент консерваторияси талабалари профессорнинг санъат ва мусиқага доир сабоқларидан баҳраманд бўлишмоқда.

"ТОМОША"НИНГ ТОМОШАСИ

Яқинда Андижон вилоятининг Жалақудук туманида мактаб ўқувчи ёшлари ўртасида "Сиз кунунни биласизми?" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Лекин, гап кўрик-танлов қандай ўтганлиги ҳақида эмас, унинг иштирокчи ёшлари ҳақида. Шу кунни кўрик-танловнинг 3-шартига кўра ҳали саҳнага олиб чиқилмаган саҳна асари кўрсатилиши керак эди. Айнан шунда тарихий "Авесто" асари ажойиб тарзда кичик мактаб саҳнасида олиб чиқилди. Барча ёшлар шу асардан бир парда кўришга муяссар бўлди...

3.Жалилова "Томоша" болалар театрининг бадиий раҳбари: — Ушбу театр мактабимизда

1994 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Ташкилотчиларимиз Дилфузахон Собирова Тошкент давлат маданият институти тамомлаган. Раънохон Абдуқодирова эса Тошкент Давлат Университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тугаллаган. Демокчи-манки, улар маданият, маънавият сарчашмаларини ўзларига ҳам чуқур сингдира олган мураббийларимиздан.

Бизнинг мактаб театримизда 20 нафар актёр иштирок этади. Улар танлов асосида қабул қилинган ўқитувчи ва ўқувчилардир. Саҳнада барча баравар рол ўйнашади.

Ҳамроҳон МАМАТКУЛОВА
Андижон вилояти

Республика Бадиий Академиясининг кўргазмалар залида "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси томонидан уюштирилган "Қамалак жилоси" болалар расмлари танлови ўтказилди.

— Табиатнинг рангин олами болалар кўнглини гўзалликка ошно этади, — деди "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси раиси Ойниса Мусурмонова. — Фарзандларимиз гўдаклигидан ана шу дунёни севиб-ардоқлаб вояга етишса, эртага уни кадрлайдиган инсон бўлибгина қолмай, фақат яхшилик ва эзгуликка ҳамдам бўлиб улғаядилар. Болаларимиз рангин оламни қоғозда тасвирлаш орқали уларга қаттиқроқ меҳр боғлайдилар. Шунинг учун жамғармамиз Миср Араб республикасининг мамлака-

ЮРТИ ОБОДЛИГИДАН КўНГЛИ ОБОДЛАР

тимиздаги элчихонаси, Республика Бадиий Академияси билан ҳамкорликда болалар расмлари танловини ўтказишга қарор қилди.

Танловда асосан республикаимизнинг барча вилоятларидаги "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланаётган болалар иштирок этишди. Кўргазмага 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган иқтидорли болаларнинг расмлари кўйилди.

Бу ерда болалик қувончларидан кўра, юксак орзулар ва соғинчлар

кўпроқ акс этган расмлар ортида мўралаб турган онасининг, кимдир дадасининг расмининг чизган, яна кимдир туғилган маконини кўмсаган расмлар тирикликнинг оғриқ нуқтаси эканлиги дилга армон бўлиб чўқади. Лекин виқорли тоғлар, гўзал боғлар, обод шаҳарлар кўрки акс эттирилган Ватан манзаралари кўнглини нурлантиради. Бу бегуноҳ норасидаларнинг она диёрларини қанчалик севишлари чизган сувратларида ёрқин намоён бўлади. Уларни кўриб, юртининг ободлигидан кўнгли ободнинг келажаги порлоқ бўлсин, дегинг келади.

"Она ва бола" Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур танлов голиблари ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.


"Туркистон-пресс"

“БОЛАЛИК ҚУВОНЧИ”

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Ойбек қиссаси. 2. Болаларнинг баҳорги ўйини. 3. Спорт анжومي, тўп. 4. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. 5. Шеъринг топишмоқ тури. 6. Италиян ёзувчиси, “Чипполино саргузаштлари” асари муаллифи. 7. Ҳордиқ чиқариш маскани. 8. Жумбоқ: тури. 9. Энг оммалашган спорт ўйини. 10. Ўзбекистон ойнаи жаҳонда фаолият кўрсатаётган болалар ашула гуруҳи. 11. Халқ оғзаки ижодининг болалар учун сеvimли бўлган манбаи. 12. “Алпомиш” достони қаҳрамони. 13. Кичкинтойларнинг экранлаштирилган сеvimли эртаги. 14. Оила юмушларига ёрдамчи фарзанд. 15. Топишмоқ:

Чўпчигим чўпчак,
Олтин беланчак,
Етти қизнинг онаси,
Ҳалигача келинчак.
16. Касб-хунарни ўрганиш мақсадида тузилган машғулот ўтказиладиган гуруҳ. 17. Эртақ номидан “... ва Қиммат”. 18. Ўсмирлар журнали. 19. “Той бола” ашуласи ижрочиси, хонанда. 20. Завқ, шавқ. 21. Болаларнинг бирор нарса-

АЙЛАНМА КРОССВОРД-МУАММОНОМА



ни илга боғлаб сувга ташлаб йўналидиган эрмаги.

МУАММОНОМА

Оққич сўзлар: 1. Ойнаи жаҳоннинг кичкинтойлар учун кўрсатуви — 5, 9, 25, 24, 25, 2, 12.

2. Алишер Навоий сиймосининг ёшлик даврини экранда гавдалантирган санъаткор — 13, 9, 7, 3, 21, 9, 18.

GAZETAMIZNING SHU YIL 19 MAY SONIDA BERILGAN KROSSVORD-MUAMMONOMANING JAVOBLARI:

Raqamli xonadan soat mili yo'nalishida: 1. Abduqunduzov. 2. "Shayboniyoma". 3. Munavvarqori. 13. Sirojiddinov. 14. Pirmuhamedov. 17. "Iskandarnoma". 25. Sharqshunoslik. 26. Sharafiddinov. 27. Turkmaniston. BO'YIGA: 5. Hulkar. 7. Dessau. 8. Inshoot. 9. Chirchiq. 10. Shamshod. 18. Ang'irt. 19. Imorat. 20. Nazira. 21. Chortoq. 22. Glazgo. ENIGA: 4. Suhrob. 6. Obodon. 11. Shirkat. 12. "Rustam". 15. Edisson. 16. Furqat. 23. Isiriq. 24. Uzangi. 28. Suqrot. 29. Afshona.

МУАММОНОМА

Ochqoch so'zlar: 1. Gerb. 2. Husayni. 3. Ko'mir. 4. Elita. 5. Fond. 6. Kuz. Hikmat: Zabt etayin desang sen ilmu hunar, Insof kamolini et o'zingga rahbar.

(BEDIL).

КАТТА КАРВОН ЙЎЛДА

9 май — Хотира ва кадрлаш куни пойтахтимиз марказидан вилоятлар бўйлаб йўлга чиққан “Автокарвон” сафари давом этмоқда.

Бир қанча вазирликлар, уюшма ва компаниялар ҳамда ОАВ ҳамкорлигида “Йўл қондаси-умр фойдаси” шиори остида ўтказиладиган тарғибот карвони “Оналар ва болалар йили”га бағишланади.

Тадбирнинг асосий мақсадларидан бири, шу йил март ойидан кучга кирган янги “Йўл ҳаракати қоидалари” амалиётини кенг жорий этиш, жойлардаги ташкилот, корхона ва муассасаларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, йўлларда ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда айниқса, болалар билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва болалар ўртасида бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бермаслиги учун транспортчилар ва нозирлар масъулиятини оширишдан иборат.

Кейинги йилларда болалар иштирокидаги йўл транспорт ҳодисалари бир мунча камайган бўлса-да, (яъни 1999 йилда болалар билан боғлиқ ҳодисалар 2804 та, 2000 йилда эса 2745 та) бу қувонарли ҳол эмас, албатта.

Чунинчи, тарғибот автокарвони қатнашчиларининг барча йўл ҳаракати иштирокчиларига қилган муурожаатномасида шундай сўзлар бор:

“Республикамизнинг барча фуқаролари!

Агар Сиз “Йўл ҳаракати қоидаларига”га тўлиқ риоя этсангиз, ўзингизнинг ва ўзгаларнинг ҳавфсизлигини таъминлаган бўласиз. Остона хатлаб кўчага чиққан ҳар бир юртдошимизга яна ўз ўйига соғ-омон кириб бориш насиб этсин”.

“Автокарвон” сафари 1 июнь — Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига ўз ниҳоясига етади.

Кумрихон КАРИМОВА

Пискент туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1999 йили Раҳимов Жавлон Суннатуллаевич номига берилган О'Р-А № 621331 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНСИН.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан 1993 йили Турсунова Насиба номига берилган уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги 10-02/7757 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 66-ўрта мактаб томонидан Набиуллина Лилия Рафаэлевна номига 1994 йилда берилган ўрта маълумот тўғрисидаги №452238 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг собик директори, меҳнат фахрийси

Қодирхўжа

ФОЗИЛХУЖАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Абдулла Авлоний номли ХТХМО-МИ раҳбарияти ва жамоаси Махсус таълим кафедраси мудир-педагогика фанлари номзоди, доцент Убайда Файзиевага падозри бузруквори

Юнус отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Qutlov



Хурматли Муаззамхон Маҳмудова. Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан муборакбод эта-миз. Сизнинг ёшларга таълим-тарбия беришдек самарали ишингиз, халқ таълимини ривожлантириш борасидаги ишларингиз, ўқитувчилар учун ўғитларингиз ниҳоятда қимматлидир. Оилангиз, яқинларингиз, жамоангиз бахтига доимо бардам юринг.

Эҳтиром билан,
Марғилон шаҳридаги
23-мактаб ва оила
аъзоларингиз

Утган йилнинг ёз фаслини жуда яхши эслайман, таътил кунлари бошлангач, қушни туманда яшовчи холамнигина меҳмонга борадиган бўлдим.

Келганимга бир ҳафтача булган эди. Куннинг жуда ҳам қизганидан ҳолдан тойиб узимни салқингина уйга олдим. Ширин уйқудан ҳовлидаги бир йўгон товуш уйғотиб юборди. “Ким экан-а!?”

деди-да, холам билан сураша кетди:

—Вой, опа кечирасиз, яхшимисиз, омон-эсонмисиз, болалар яхшимми?

—Ҳа, раҳмат. Узингиз яхшимисиз, уй ичлар соғми? Қани марҳамат.

—Хўп, раҳмат, бошқа сафар. Мадина шу ерда экан. Отасининг оёқ кийимини кийиб чиқибди.

ЎҚИМАГАН ҚИЗНИНГ ҲОЛИ

Поччам урқоқлариникига туйга кетгандилар-ку. Ёки бирор қушнимикин!?”

Ҳовлига чиқсам, бир бегона қиз турибди. У ҳамон тухтамай гапирарди. “Ҳа, бояги товуш шуники экан-да” деб уйладим. Секингина бориб супачага—холамнинг ёнига утирдим. Шунда қизнинг кузи менга тушди-да:

—Ҳа, холагникига ухлашга келдингми?—деди қиз болага хос булмаган кўпқўл билан. Мен ҳайронлигимдан нима дейишни ҳам билмадим.

Шу пайт қушни аёлнинг овози эшитилди:

—Мадина, сен шу ердამисан? Қидиравериш эсим кетди-ку,—

Отаси “бир ерга борай” деса, оёқ кийими йўқ. Биладан-да бунинг одатини, узиники туриб, ё отасиникини ё меникини кийиб кетади. Обориб берай, қараб қолдилар.

—Хўп майли, буш вақтингизда, албатта, чиқинг!

—Хўп, опа. Қани, қизим юр! Отанг қараб қолдилар. Мен сенга дуконга боргин дедим-ку. Яна айтганимни қилмабсан. Ахир, катта қизсан-ку...—дея мулоим гапириб кетаётган онанинг гапини қиз дарров бўлиб ташлади ва бояги банд, курс овоз билан онасини жеркиб берди.

—Булди, сизга гап етмасин. Дарров жагингиз очилади. Радиони учирса булади, аммо сизни учириб

ҳам, пасайтириб ҳам бўлмайди...

Унинг қолган гапи бизга эшитилмади. Чунки улар ҳовлисидаги кириб булганди. Ҳайрат ва таажуб билан холамдан у қиз ҳақида сурадим:

—3-синфдан кейин мактабга бормай қуйган. Чунки, ҳам узи истамди, ҳам уша пайт ота-онаси иш билан бўлиб, унга қарамай қуйишди. Тенгдошлари 10-синфда ўқиб юрган кезлари уни турмушга чиқардилар. Орадан бир йил утгач, бир боласи билан онасиникига қайтиб келди. Мана бунгаям бир йил тулибди. Бечора онасини адон татом қилди,—деди холам афсусланиб. Шунда англадимки, мактаб инсон ҳаёти учун жуда катта аҳамиятга эга экан. Уша қиз мактабдан қолиб кетмаганида муомала маданиятини урганармиди, бадий китоблар ўқиганида ҳаёт иқир-чиқирларини тушунармиди. Шуларни уйлаб у қизга жуда ачиниш кетдим.

Эҳ, азиз ота-оналар! Фарзандингизнинг бу аҳволига кўпроқ сиз сабабчисиз. Бефарқ булмаганингизда бу ҳолат рўй бермасмиди. Бунинг учун озгина эътиборингизни ҳамда “қимматли” вақтингизни аямасангиз бас!

Ойниса ЎРОҚОВА,
Шофиркон туманидаги
23-мактаб ўқувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:

Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далилар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди Pentium компьютерида

Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Шерзод АХМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2417. Тиражи 26.518.
Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табоқ,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3.

Боснишга тошшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00